ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 12 май, шанба № 60 (2317)

**Федерация кенгаши раёсатининг йиғилиши**

# Долзарб вазифалар белгилаб олинди

***2007 йил 10 май куни Қаршида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Федерация кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.***



Раёсат йиғилишида кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойи ва республика уюшмалараро конференцияси қарорларини бажариш борасида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд қилинганидек, бирлашма тасарруфидаги касаба уюшма ташкилотлари қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда муайян ишларни амалга оширганлар.

Айни пайтда бошланғич ташкилотларнинг меҳнат жамоаларидаги нуфузини ошириш, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалаш, ижтимоий суғурта тўловларини ундириш, аъзолар фаоллигини кучайтириш, сиҳатгоҳларга йўлланмалар тарқатиш соҳасида жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Жиззах вилояти тармоқ касаба уюшма вакиллари ҳамда кенгашларининг жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ёшлар онгига миллий мафкурани сингдириш, ишчи-ходимлар ўртасида маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спортни йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала муҳокама этилиб, шу нарса алоҳида таъкидландики, қишлоқ жойларида клублар ва кутубхоналар иши талаб даражасида эмас. Хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини яхшилаш борасида касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 2006 йил 30 июндаги «Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастури ва IV вилоят уюшмалараро конференцияси қарорларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилиб, бирлашма раҳбариятининг эътибори жамоа шартномалари ижросини таъминлашда етарли изчиллик кўрсатилмаётганлигига қаратилиб, Бандлик дастурини амалга ошириш, юқори ташкилотлар қарорлари ва Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш учун ташкилотчилик ишлари самарадорлигини кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.



Раёсат йиғилишида Федерация кенгашида 2006 йил мобайнида фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига санаторийларга бепул йўлланмалар бериш каби касаба уюшмалари фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ёзги соғломлаштириш**

# Баҳаво гўшалар болажонларни кутмоқда

## (Оромгоҳ ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши)

Олтин ёз яқин қолди. Яна бир неча кундан сўнг юртимизнинг баҳаво гўшалари болажонларнинг қувноқ кулгулари, қувончу-шодликларига тўлади.

Оромгоҳларни ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур технологик асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, маданий-спорт ашёлари билан таъминлаш, педагог ва тиббиёт ходимларини танлаш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш соҳасида Қашқадарёда муайян тажриба тўпланган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, ҳордиқ масканларига дам олувчиларни кенг жалб этишда ҳомийлар маблағларидан унумли фойдаланиш ва бу масалада мутасадди ташкилотлар масъулиятини ошириш бўйича вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ташаббусини маъқуллаб, республика бўйича оммалаштириш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Жорий йилда воҳанинг 20 та оромгоҳида 21 минг нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Бунинг учун сарфланадиган 959 миллион сўм маблағнинг 594 миллион сўми ҳомий ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

2006 йил якуни бўйича ғолиб деб топилган «Шўртангазкимё» мажмуасига қарашли «Лочин» оромгоҳи ҳамма қулайликлар яратилган ҳақиқий дам олиш масканига айланган. «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг «Ёш алангачи», «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компаниясининг Ҳисоролди нефт-газ қидирув экспедицияси тасарруфидаги Беруний номли, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасининг Азиз Қориев номли, Муборак газни қайта ишлаш заводининг «Ниҳол» каби оромгоҳларида мавсумга пухта тайёргарлик кўрилаяпти.

Куни кеча Шаҳрисабз туманида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг масъул ходимлари, республика тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгашлари раислари, маданий-маърифий ҳамда спорт ишлари, ижтимоий суғурта бўлимлари мудирлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, оромгоҳ бошлиқлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари дастлаб вилоятда, унинг маркази Қарши шаҳрида амалга оширилган қурилиш ва ободончилик ишлари, қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзнинг тарихий ёдгорликлари, воҳанинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, оромгоҳлар фаолияти билан танишдилар.

Ҳисор тоғи тизмалари этагида жойлашган, 15 гектарли сўя-салқин ҳудудни эгаллаган ва ҳозирги замон андозаларида таъмирланиб, жиҳозланган «Лочин» оромгоҳида бўлиб ўтган катта анжуманни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов кириш сўзи билан очди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида 2006 йил соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумининг якунлари, 2007 йил мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Ушбу семинар-кенгашда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда қўйилган вазифалар асосида йил якунлари сарҳисоб қилиниб, амалга оширилиши керак бўлган кенг кўламли ишлар дастури белгиланди.

Қашқа воҳасида ёш авлодни жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида вилоят ҳокими Нуритдин Зайниев сўзлаб берди.

***(Давоми 2-бетда)***

| Марказий банк ахбороти | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 1036,47 | 1 БАА дирхами 342,19 | 1 ЕВРО 1709,97 | 1 Хитой юани 163,11 | 1 Турк лираси 932,33 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2509,09 | 1 АҚШ доллари 1256,78 | 1 Россия рубли 48,77 | 1 Қувайт динори 4347,07 | 1 Япон иени 104,91 |

# Баҳаво гўшалар болажонларни кутмоқда

## (Оромгоҳ ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши)

*(Боши 1-бетда)*

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раиси ўринбосари О.Муҳитдинова «2007 йил болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишда касаба уюшмаларининг вазифалари», Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи Д.Акмалов «Оромгоҳларда маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни йўлга қўйишда педагог ва етакчи ходимлар фаолияти», Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Абдужалилов «Болаларни оромгоҳларга олиб бориш, олиб келиш ва дам олиш жараёнида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида», «Камолот» ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг бўлим мудири А.Арслонов «Дам олувчилар билан ишлашнинг услуб ва методлари» тўғрисида маъруза қилдилар.

«Шўртангазкимё» мажмуаси директори, Олий мажлис Сенати аъзоси А.Султонов корхона тасаруфидаги оромгоҳларни маблағ билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибалар ҳақида сўзлаб берди.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбирлари**

Хабарлар

# Ўтганлар хотирланиб, тириклар эъзозланди

Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, 85 ёшли Усмонқул ота Абдуалиев яшайдиган сўлим Бахмалнинг Оққўрғон қишлоғидан ўндан ортиқ эр йигит фронтга отланганди. Урушга кетганлардан кўпи қайтиб келмади. Тақдир экан, Усмонқул ота урушда оёқларидан ажраса-да, соғ-омон юртига қайтди. Узоқ йиллар мактабда ҳамқишлоқларининг фарзандларига сабоқ бериб келди. Нафақага чиқди. Отахон бугун ўғил-қизлари, юзга яқин невара-чеваралари даврасида қалби севинчга тўлиб яшамоқда.

— Нега ҳам қувонмай, — бугунги тинч, осуда ҳаётни, дориломон кунларни окоп ичида, ўқ ёмғири остида орзу қилганман. Шундай кунларга етказганидан Оллоҳга шукур деймаn.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бахмал туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими масъуллари отахоннинг аҳволидан доимо хабар олиб туришади. Ота ҳам ўз навбатида ёшларга ибратли ҳаёт йўлидан сўзлаб беришни канда қилмайди.

Усмонқул ота сингари 600 дан зиёд жиззахлик уруш фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонладилар. Учрашув ва эҳтиром тадбирлари ўтказилди, ўтганлар хотирланиб, тириклар эъзозланди.

Йиғилганлар вилоят марказидаги «Хотира хиёбони»ни зиёрат қилишиб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Маҳалла марказида кайвонилар бир пиёла чой устида қизғин суҳбат қурдилар.

**А. АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Кекса авлод учрашуви

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида жамоада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларни эъзозлаш яхши анъанага айланган. Алоқачилар касб байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган тадбир бунинг яққол исботи бўлди. Унга 300 нафарга яқин собиқ ҳамкасблар таклиф этилди.

Кекса отахону онахонлар ўзлари ишлаган ташкилотнинг бугунги қиёфаси билан яқиндан танишиб, ўз ҳайратларини изҳор этдилар. Уларга совға-салом улашилди.

— Бу жамоада узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаганман, — дейди Ҳикмат Ғуломов. — Ҳозирги замонавий алоқа тизимини кўриб, очиғи, жуда қувондим. Бундай имконият биз ишлаган даврларда йўқ эди. Бу ҳам бўлса мустақиллигимиз шарофати туфайлидир. Айни пайтда биз нуронийларни ҳам эсдан чиқармаганлиги учун филиал раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Т. ШЕРНАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳастимом мажмуаси — бебаҳо маънавий бойлик

***Хабарингиз бор, бундан икки ярим ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унда жамғарманинг вазифаси аниқ-равшан қилиб белгилаб берилди. Яъни, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган мазкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда бу қутлуғ даргоҳни ҳар жиҳатдан диққатга сазовор зиёратгоҳлардан бирига айлантириш кўзда тутилди. Тез кунда бош пудратчи ташкилот ўзининг ёрдамчи пудратчилари билан бирга мажмуада савоб ишларни бошлаб юборди.***



# Қалб даъвати билан

Шубҳасиз, бундай улуғ ишга қўл уришнинг ўзи бўлмайди. Тарихий меросни таъмирлаб қайта тиклаш масаласи катта масъулият, юксак маҳорат ва тажриба талаб этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада етарли тажриба тўпланди. Жумладан, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотурудий зиёратгоҳларида, Бухородаги Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуаларида, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий каби ўнлаб қадамжоларда бажарилган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари фикримизнинг исботидир. Юртимизда яшаб ўтган улуғ зотларга ҳамда тарихий аҳамиятга эга бўлган обидаларга давлатимиз қай даражада эътибор бераётганини халқимиз кўриб турибди. Бундай савоб ишларга Юртбошимиз бош-қош бўлганидан ҳам яхши хабардормиз.

Бугун мамлакатимизнинг қайси вилоят, шаҳар ва туманидаги муқаддас жойларда — зиёратгоҳларда бўлманг, аввало, таъмирланган мақбара ва мадрасаларни, янги қурилган масжидларни, чор-атрофдаги кўркамлик ва саранжом-саришталикни, қолаверса, зиёратчиларга яратилган бошқа шарт-шароитларни кўриб қувонасиз. Дуога қўл очиб ўтирган юзлаб, минглаб эътиқодли инсонларнинг Оллоҳга илтижо қилаётган сўзларини эшитсангиз, ўз улуғларини шу даражада қадрлаган, жамиятда диний бағрикенглик муҳитини яратган, жаҳон ислом оламида Ватан обрўсини оширган халққа ва унинг Юртбошисига яхши ниятлар билан дуо қилаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Ана шундай пайтда ўз эътиқодини авайлаб-асраган халқнинг иймони бутунлигига, бундай юртнинг келажаги борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Кўп асрлар мобайнида юртимизда шаклланган меъморчилик санъатини бир қолипга солиб бўлмайди. Бу борада деярли ҳар қайси шаҳарда тажриба мактаби яратилган. Масалан, Шаҳрисабз мактаби Хиваникидан, Самарқанд мактаби Бухороникидан қайсидир жиҳатларига кўра фарқ қилади. Ҳастимом мажмуасида иш бошланганида Тошкентнинг қадимий меъморчилик санъати мактаби ўз изини қолдириши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бунга Кўкалдош мисол қилиб кўрсатилди. Демак, Ҳастимом ҳам ўзининг асл номига муносиб бўлиши керак. Ана шундан келиб чиқиб, тарихий манбалардан кўп нарсаларни аниқлашга тўғри келди. Жумладан, мажмуа таркибидаги Тилла шайх масжиди ҳақида турли фикр-мулоҳазалар туғилди. Натижада масжидни бузиб қайта қуришдан кўра, таъмирлаб асл ҳолида сақлаб қолишга қарор қилинди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳастимом мажмуасида бўлганида Тилла шайх масжидининг таъмирлангандан кейинги ҳолатини кўздан кечирди. Илгари атрофини пастқам эски уйлар, пахса деворлар ва чириган ёғоч устунли бостирмалар қуршаб турган кўҳна масжидни бугун таниёлмайсиз. Усталар қайта тиклаш ва сайқал бериш ишларини юксак дид ва катта маҳорат билан бажаришибди. Масжид ташқи томондан тарихий обидани эслатгани ҳолда, ички томондан жуда чиройли қилиб безатилган қутичага ўхшайди.

Бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Мустақиллик юртимизда диний бағрикенглик, иймон-эътиқод, тўғри диний тарғибот, ўзликни англаш, авлод-аждодга муносиблик, жаҳон ислом дунёси билан ҳамкорлик учун кенг имконият яратган бўлса, юртимизга қайтган Усмон Қуръони бу имкониятнинг йўлини ўз нури билан ёритди. Ҳазрати Имом мажмуасида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари жараёнида Усмон Қуръонининг сақланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Яъни, алоҳида бино қурилиб жиҳозланди. Мажмуадаги ишлар тўлиқ тугаганидан сўнг, аҳли ислом олами муқаддас китобни зиёрат қилишлари мумкин.

Бугунги кунда Ҳастимом мажмуаси кун сайин чирой очиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўтмишни бугун билан уйғунлаштириб, тарихий ва миллий аҳамият касб этиб боряпти. Салкам ўн гектарга яқин ҳудудни эгаллаган очиқ майдонга пишиқ ғишт ётқизилган, гулзор ва яшилликдан баҳри-дилингиз очилади. Сайр қилиб юрганлар билан суҳбатлашсангиз мусулмонобод юртимиздан фахрланиш туйғуларига тўла сўзларни эшитасиз. Уларнинг аксарияти Ислом маданиятини юксалтиришда ҳозирги давр Амир Темур бобомиз даврига қиёслагулик даражага етганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқда. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Жаҳон ислом оламида юртимизга қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги боиси шундан.

Мажмуада қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган икки ойдан кўпроқ вақт ичида яна бир нечта муҳим объектларда ишлар ниҳоясига етказилди. Жумладан, Қаффол Шоший мақбараси ҳамда Бароқхон мадрасаси таъмирланди, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Вазирлар Маҳкамасининг дин ишлари қўмитаси ҳамда шу ердаги маҳалла қўмитасига янги бинолар қурилди. Атрофдаги эски уйлар таъмирланиб, айрим оилаларга бошқа жойдан янги уйлар сотиб олиб берилди. Хуллас, қисқа вақтда кўп савоб ишлар қилинди.

Давлатимиз раҳбари бундан бир неча йил олдин Навоий вилоятида бўлганида янги қурилган жомеъ масжидини бориб кўриб, шундай деган эди: «Биз нима истасак Оллоҳга мурожаат қиламиз, масжид эса Оллоҳга мурожаат қиладиган жой». Ҳастимом мажмуасида яна битта ана шундай қутлуғ маскан қуриляпти. Унда бир пайтнинг ўзида бир неча минг киши намоз ўқийди. Биз қурувчилар ҳузурида бўлиб, улар билан суҳбатлашдик. Ва улар сиймосида савобталаб, оққўнгил, эзгуликка интилувчан, ҳаётда тақводор ва покиза инсонларни кўрдик. Улар савоб ишга қўл урганликларидан фахрланиб гапиришди. Ишнинг ҳозирги суръатига қараганда, масжид қурилиши ҳадемай поёнига етади. Асосий бино иккита ён қаноти билан бирга деярли қад ростлабди. Чап қанотда сайқал бериш бошланибди. Ҳозир асосан пайвандлаш ишларига зўр берилипти. Демак, энди гумбазларга ҳам қўл урилади. Айтгандай, минора битта эмас, иккита бўлади. Масжид ёнидаги таҳоратхонада эса ишлар бошланибди. Шубҳасиз, режада бошқа қулайликлар ҳам кўзда тутилган.

Президентимиз «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида бугун амалга оширилаётган ишларнинг асл моҳиятини ифодалаб шундай деди: «Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажакни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин».

Бу фикр ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди, аксинча, ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Чунки, бу улуғ ишлардан кўзланган мақсад нафақат иймон-эътиқод-у ўтмишимизни, балки бугун танлаган тўғри йўлимизни ҳам келажагимиз бўлган ёшларга мерос қилиб қолдиришдир.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

# Меҳнат муҳофазаси

## Ҳаёт қадри

***Ҳаёт тасодифларга тўла. Тақдир йўллари чигал. Эрталаб уйидан тўрт мучаси соғ чиқиб кетган Умид Эшмуҳаммедов оиласи бағрига қайтмади. Лоқайдлик ва эътиборсизлик панд берди. «Нефт-газ қудуқларини синаш» очиқ акциядорлик жамиятининг илғор ишчиси ўз вазифасини бажариш жараёнида бахтсиз ҳодисага учради.***

***Кутилмаган тасодифдан бутун жамоанинг кўнгли хуфтон бўлди. Оила аъзоларининг аламидан ўт чиқди. Тўғри, касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан жабрдийда оиласига 12 миллион сўм товон пули тўланди, тегишли моддий ёрдам кўрсатилди. Бироқ, молу дунёни топиш мумкин, ҳаётдан эрта кетган инсонни тирилтириб бўларканми!***

Қоровулбозордаги нефт-газ қудуқларини пармалаш экспедицияси ишчиси Б.Шарипов ҳам иш жараёнидаги эҳтиётсизлик оқибатида ногирон бўлиб қолди. Бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари мутасадди ташкилотлар томонидан чуқур таҳлил этилиб, айбдорлар фаолиятига қонуний баҳо берилди.

Хўш, бундай ҳолатда касаба уюшма ташкилоти ўзини қандай тутиши лозим? Акциядорлик компанияси бошқаруви ҳайъати ва касабақўмнинг кенгайтирилган йиғилишида масала кўриб чиқилди. Мутахассислар иш жойларида хавф-хатарсиз меҳнат шароити яратиш бўйича фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Иш берувчи ва касабақўм ўртасида тузилган жамоа шартномасида белгиланган имтиёзларнинг бажарилиши қатъий келишиб олинди.

Хизмат доираси олис ҳудудларни қамраб олган ва 4634 киши ишлаётган йирик корхонада «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари мажмуаси изчиллик билан амалга оширилаяпти.

— Иқтисодий омиллар ишлаб чиқариш фаолиятини юксалтиришга ҳал қилувчи таъсир ўтказади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Комил Ҳайитов. — Аммо ҳар бир ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устувор бўлиб, унинг учун қулай иш шароити яратиш, техника хавфсизлиги, замонавий механизмлар, технологиялар ва шахсий ҳимоя воситаларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш асосий вазифа ҳисобланади.

Касабақўм йиғилишида Қашқадарё технологик транспорт, пармалаш ишлари бошқармаси, Ҳисоролди нефт-газ экспедициясида меҳнат муҳофазаси талабларининг ижроси, ишчиларни махсус кийим-бош, пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез овқатлар билан таъминлаш, бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касалига йўлиққан кишилар манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш вазифаларининг бажарилиши кўриб чиқилиб, масалага холис баҳо берилди.

Компания бўйича меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун 784 миллион 715 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари олишга 360 миллион 235 минг, даволаш-профилактика воситалари, сут, сут маҳсулотлари ва парҳез овқатлар билан таъминлашга 120 миллион 160 минг сўм маблағ сарфланганлиги олиб борилаётган ишлар кўлами нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

Мавжуд 22 та корхона ва ташкилотлар «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида керакли йўриқномалар, адабиётлар, қўлланма ва ўқув дастурлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминланган. Йиллик иш режасига асосан касаба уюшма қўмитаси ва бошланғич ташкилотларнинг йиғилишларида меҳнат муҳофазасининг аҳволи кўриб чиқилиб, раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитиб борилади. Иш жойларида техника хавфсизлиги, дам олиш, ювиниш хоналари жиҳозланганлиги кўздан кечирилиб, ишчилар мутасаддилар томонидан синовдан ўтказилиб, сертификатлар берилади. Йил давомида 1400 га яқин ходим ўқитилиб, малакаси оширилди.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан ишчи ўринлари ҳар йили бир марта, инженер-техник ходимлар ҳар уч йилда, участка муҳандислари, мастерлар йилма-йил касабақўм вакиллари иштирокида аттестациядан ўтказилаяпти. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, жойларда илгарига нисбатан авариялар, шикастланиш ва жароҳат олиш кескин камайди. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги томонидан корхонада ўқув-семинар ўтказилиб, касабақўмнинг тажрибаси оммалаштирилди.

Меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари томонидан корхоналардаги аҳвол ўрганилганида 336 та камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, касабақўм аралашуви билан уларнинг 200 таси ўз вақтида бартараф этилди. Ходимларнинг иш шароити анча яхшиланди.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бирлашган касаба уюшма қўмитаси иш берувчи билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-маиший ва даволаш-профилактика тадбирларини уюшқоқлик билан амалга оширгандагина муваффақиятга эришиш мумкин.



## Бахтсиз ҳодиса

### қандай содир бўлди?

Меҳнат муҳофазаси инсон фаолиятини рўёбга чиқариш учун кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат беради. Бироқ эътиборсизлик, лоқайдлик ва бепарволик туфайли куни кеча биз билан ҳамсуҳбат бўлиб юрган инсонлар бехос ҳаётдан кўз юмадилар ёки соппа-соғ кишилар ногирон бўлиб қолишади. Табиийки, оила ҳам моддий ва маънавий азият чекади.

Бир йил давомида Қашқадарё вилояти хўжалик юритувчи субъектларида турли оқибатларга олиб келган 32 та бахтсиз ҳодиса юз бериб, натижада 8 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 18 киши оғир тан жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди.

Хўш, ишлаб чиқаришда учраётган бахтсиз ҳодиса учун ким айбдор? Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар билан мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, мулк ва хўжалик шаклларидан қатъи назар барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалари» белгилаб қўйилган.

— Барча корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари олдига қўйиладиган вазифа ўз қўл остидаги ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар саломатлигига эътибор қаратиб, улар учун хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароити яратиб бериш ва шу тариқа ҳар бир кишининг иш кунларини муваффақиятли якунлаб, омон-эсон оилалари бағрига қайтишларини таъминлашдан иборат, — дейди вилоят бош давлат меҳнат-техника инспектори Ф. Нарзиев.

Ходимнинг жароҳатланиши, касб касалликларига чалинишининг олдини олиш учун асосий масъулият раҳбарлар зиммасига юклатилади. Меҳнат Кодексининг 211-моддасида қайд этилганидек, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари вужудга келтирилиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Жамиятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар хусусийлаштирилмоқда. Акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши оқибатида мулк ўз эгасини топди. Аммо шартнома асосида ёлланиб ишлаётганлар учун қулай шароитларни муҳайё этиш соҳасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Айрим мутасаддилар ўзлари раҳбарлик қилаётган жамоада ходимларининг ҳаёти ва саломатлиги ҳамма нарсадан устувор эканлигини унутиб қўяётганликларини нима билан изоҳлаш мумкин?

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасига қарашли Қарши участкаси монтёри Баҳриддин Исломов меъёр талабларига риоя этилмасдан ўрнатилган темир-бетон устун қулаб тушган жойдан алоқа кабелини йиғиштириб олмоқчи бўлганида юқори электр кучланиш таъсирига тушиб, ҳалок бўлди.

Шаҳрисабз туманидаги «Тўхта бобо фарзандлари» фермер хўжалиги тракторчилари Абдулла Алиев, Собир Маҳмадиёровлар «Давлатова Аширбиби» фермер хўжалиги ерларини ҳайдаш учун ўз оёқларида келиб, уйларига кўтариб олиб кетилдилар. Бу ерда тракторга ёқилғи қуйиш учун зарур шароит яратилмаганлиги, транспорт воситасининг техник носозлиги, яъни ёқилғи бакининг ҳаво таъминоти клапанлари ишламаслиги сабабли ёқилғи қуйиш вақтида портлаш содир бўлди. Натижада тракторчи А. Алиев бевақт оламдан кўз юмиб, С. Маҳмадиёров тан жароҳати олди.

Шуниси ачинарлики, иш берувчи томонидан етарли қулайлик яратилганлиги, ишчилар меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича ўқитилиб, йўриқномалардан ўтганликларига қарамасдан, техника хавфсизлиги қоидалари қўпол равишда бузилиши натижасида ҳам бахтсиз ҳодисалар юз бериб турибди. Бешкент пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти нурчиси, беш фарзанднинг отаси Маманазар Алибоевнинг эҳтиётсизлиги уни оиласи, қариндош-уруғларини қайта кўришдан маҳрум этди. У корхонадаги чироқларни алмаштириш вақтида ердан 5 метр баландликдаги жойда ҳимоя каскаси ва камарисиз ишлаётганида йиқилиб тушиб, воқеа жойида вафот этди.

Агар ўзбошимчалик билан иш тутилмаганида бу фалокат йўқ эди.

Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ» ширкат хўжалиги ишчиси Б. Назаров, Қаршидаги локоматив депоси тепловоз машинисти ёрдамчиси Ф. Жумаев, минора қуриш экспедицияси очиқ ҳиссадорлик жамияти электр пайвандловчиси К. Абдуллаев, қурувчилар Ж. Норматов, Ч. Тоҳиров, Ғузор тумани 2532-автожамланма ҳайдовчиси У. Эргашев, Қарши магистрал канали ирригация тизими бошқармаси ходими Н. Дониёров, «Қаршиирмонтаж» масъулияти чекланган жамияти қувур ёткизувчиси Б. Эшев, Нишон туман МТП газ пайвандловчиси Э. Соҳибов, Касби пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти линтерчиси Т. Умарқуловлар ҳам техника хавфсизлиги меъёрлари бузилганлиги туфайли жароҳат олдилар.

Боқувчисини йўқотган ва ногиронликка чалинган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари давлатимиз қонунларида аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари»га асосан боқувчисини йўқотган оилалар тўлиқ ижтимоий ҳимояга олинади ва уларнинг болалари вояга етгунларига қадар корхона томонидан моддий жиҳатдан таъминлаб борилади.

Меҳнат муҳофазаси — долзарб вазифа. Иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномасида кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш бахтсиз ҳодисалар олдини олиш имкониятини яратади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«ISHONCH» мухбири**

Руҳият сабоқлари

**Қўрқув бизни ҳушёр ва ҳаракатчан қилади. Меъёридан ортиқ қўрқув (фобия) — касаллик. "Одамлар нима дейди?" — деган савол доимий муаммо бўлган оилада қўрқоқ болалар улғаяди. Қўрқоқларни бошқариш осон. Ортиқча қўрқув қувватингизни сўриб олади. Қанча ҳаракатчан ва тадбиркор бўлсангиз, қўрқиш учун вақтингиз шунча кам бўлади.**

# Қўрқишдан қўрқманг



Қизиқ, қўрқув ўзи нима ва бизнинг ҳаётимизга, тақдиримизга қандай таъсир этади?

Дунёни таниш баробарида қарийб ҳамма одамда қандайдир даражада қўрқиш туйғуси ҳам бўлади. Кичкиналигимиздан қўрқинчли воқеалар бизга сирли ва жозибали бўлиб кўринган. Қоронғи бурчак, зимистон хона ва кимсасиз кўчалар юракка ғулғула солади.

Аллоҳ бу туйғуни бекорга бермаган. Қўрқувнинг инсон ҳаётига ижобий таъсирлари ҳам оз эмас: уйни ташлаб кетаётиб, эшикни қулфлаганимизни эринмай яна бир текшириб кўрамиз, касал бўлмаслик учун қўлимизни совунлаб ювиб оламиз, тоза ва соғлиқ учун фойдали нарсалар ейишга ҳаракат қиламиз, спорт билан шуғулланамиз. Ярим кечаси кўчада ёлғиз кетаётиб, шубҳали кўринган нарсаларни дарров пайқаймиз, нохушликдан ўзимизни ҳимоя қилишга шайланамиз ва ҳоказо... Сўзсиз, қўрқув бизга керак – у бизни ҳушёр ва ҳаракатчан бўлишга ундайди. Аммо бу ҳаммаси эмас: Қўрқув бизни ўта кучли ва иқтидорли ҳам қилади. Фарзанди кечаси ўрмоннинг қоқ ўртасида ёлғиз қолганини билган ҳар қандай она болани йўқотишдан қўрқиб, ақл бовар қилмайдиган жасоратларни содир қилади. Ҳар куни минг-минглаб одамлар фарзандини оч қолдирмаслик учун минг бир имкон излаб топади. Камбағал бўлишдан қўрқиш, тобе бўлишдан қўрқиш, одамлардан ажраб қолишдан қўрқиш – бу бизни ҳаракатга келтириб турган "мотор" эмасми?

Қўрқувсиз ҳаёт анча зерикарли, кашфиётлардан мосуво бўларди. "Одам эгаллаб турган мавқеига қараб қўрқув ҳам катта ё кичик бўлади. Бизга хотиржам бўлиб кўринган таниқли сиёсатчи, спортчи ё тадбиркор биздан-да қаттиқ қўрқади", — деб хулоса чиқаради психиатр Б. Банделов.

Қўрқув ва хавотир ҳаётимизга ранг-баранглик бағишлаши, бизнинг яширин куч ва қобилиятларимизни рўёбга чиқариш билан бирга, катта зарар ҳам келтиради – агар меъёридан ортиб кетса.

Германияда олиб борилган тадқиқотлар якунига кўра, аёллар эркакларга қараганда икки-уч баробар кўп қўрқар экан. Эркаклар бу туйғуни ичкилик ё ишга қаттиқ берилиш билан енгмоқчи бўлади. Ўтказилган изланишлар ва улардан чиқарилган хулосалар, рақамлар айсбергнинг усти, холос: ишдан ажралиб қолишдан қўрқиб, ҳар тонг қорин оғриғи билан хизматга борадиганлар, ёлғиз қолишдан қўрқиб шароитга кўниб, тишини-тишига қўйиб яшайдиганлар ё асоссиз рашк қиладиганлар, террористлардан қўрқиб самолётда учмайдиганларнинг сонини ҳеч ким ҳисоблаб чиқолмайди.

Қўрқув сўзи лотинча "strages" – бўшлиқ, енгилиш, ер тишлаш маъносини билдиради. Руҳшунослар эса унга рамзий маънода "кичик ўлим ҳолати" деб ном берганлар. Ҳақиқатда, киши қўрққанда довдирайди, ўзини назорат қилолмайди, оқ-қоранинг, ҳатто қаршисида ким турганининг фарқига бормайди. Руҳан ўзини ночор, кучсиз, ёлғиз ҳис қилади, диққатини бир жойга жамлолмайди, биргина ёмон воқеага таяниб хулоса чиқаради, ҳар нарсадан асоссиз равишда шубҳалана бошлайди.

Фобия (меъёридан ошган қўрқув)га айланган қўрқув касаллик эканини ва бундай инсон бахтли яшолмаслигини олимлар йигирма йил муқаддам аниқлаб, уни даволаш йўлларини топишган. Келинг, энг кенг тарқалган фобияларни кўриб чиқайлик:

***1. Анъанавий қўрқувлар*** – бу баландликдан, ўргимчак, инъекция (укол), кенглик ва кўприкдан қўрқишдир.

***2. Агрофобия*** – одамлар кўп бўлган, тиқилинч ва тор жойлардан қўрқиш. Бунда одам қаттиқ саросимага тушиб, терлаб кетади, юраги қаттиқ уради, ўзини ночор ва ёрдамга муҳтож ҳис қилади.

***3. Умумлашган қўрқув.*** Бу қўрқувга дучор бўлган одам ҳамма ва ҳар нарсадан ташвишланаверади. Келажакка шубҳа билан қарайди ва ҳаётининг ҳар бир соҳасида хавф-хатар бор деб ўйлайди.

***4. Ижтимоий фобия*** – бу одамлар қабул қилмаслиги, тушунмаслиги, ташлаб кетишидан қўрқишдир. Бундай одам доим ўзини кузатилаётган, танқидга учрагандек ҳис қилади. Шу сабабли одамлар билан очиқ ва самимий мулоқотга кириша олмайди.

***5. Ўлимдан қўрқиш.*** Бу деярли ҳар кимда бор хавотир. Аслида, одам жисман эмас, руҳан ўлишдан қўрқади. Руҳнинг абадийлигини билганларда бу қўрқув ортиқча асабийлик уйғотмайди.

***6. Ҳаётий ўзгаришлардан қўрқиш.*** Социологларнинг кузатишича, айнан янги тузум ўрнатилган вақтда одамлар ўртасида жиноятчилик ва суицид (ўз жонига қасд қилиш) авж олар экан. Психолог Фриц Риманн бу ҳақда шундай дейди: "Биз ўзимиз кутмаган вазиятга тушиб қолганимизда қўрқа бошлаймиз".

Франц Кафкани у ҳали бўлмаган жойга таклиф қилишади. Таклифга ёзган жавоб хатида шундай сўзлар бор: «Мен саёҳатдан қўрқаман. Айнан шу саёҳатдан эмас, албатта. Умуман ўзгаришлардан қўрқаман. Қанча кўп нарса ўзгарса, шунча қўрқувим кучаяди. Ўзимни шу арзимаган нарсаларни деб чегаралаб яшашнинг иложи йўқ. Ҳаёт ўз тартибини ўтказмай қолмайди. Хонамдаги столнинг ўрнини ўзгартириш саёҳат қилишдек қўрқинчли бўлганда эди, саёҳат қилишим осон бўларди».

Ҳа, ўзгаришлар бизга таъсир этмай қолмайди. Биз улардан қўрқамиз, чунки бу биз учун синов ва имтиҳондир. Биз ҳали қилиб кўрмаган ишлар, бошдан кечирмаган вазиятлар сон-саноқсиз ва биз улардан доим қўрқамиз. Жуда озчилик қўрқмасларгина дунёнинг нариги бурчагига саёҳат қилишга журъат қилади.

***7. Эркинликдан қўрқиш.*** Одам қўрқмаса нима экан? Ҳаётингни осонгина изга туширишинг, истаганча яшашинг мумкиндек. Аммо бу бир қарашда, холос. Аслида, қўрқмайдиган одам дунёдаги энг бахтсиз одамдир. Чунки қўрқув – бу чегара, меъёр. Андиша қилаётганингизда сиз ўзингизни баъзи нарсалардан тиясиз. Чегаранинг йўқолиши эса даҳшатли ва энг қўрқинчли манзара – бефарқлик, лоқайдлик, нимани исташни билмасликдир. Тасаввур қилинг-а, сизда бирданига икки юзта касбни эгаллаш, ҳамма спорт тури билан шуғулланиш, тўғри келган жойда яшаш, ҳар ким билан алоқа қилиш имконияти пайдо бўлди. Хўш, қай бирини танлайсиз? Нимани ва кимни танлашингизни билмадим-у, аммо асабларингиз бундай зўриқишни кўтаролмайди. Қадимги одамнинг ҳозиргидек улкан танлов ҳуқуқи ва имконияти бўлмаган. У жўн ва ҳаракатчан ҳаёт тарзи билан кун кўрган. Шу сабаб сизчалик ақлли бўлмаса ҳам, асаблари анча мустаҳкам бўлгани аниқ. Бизни айнан эркинлик ва ҳар нарсага улгуришим керак, деган фикр ҳолдан тойдиради.

***8. Касал бўлишдан қўрқиш.*** Ушбу фобиянинг энг ёрқин аломати – ҳадеб дори-дармон ичиш ва одамларда ўзига нисбатан разм туйғусини уйғотишга интилишдир.

***9. Танқиддан қўрқиш.*** Бу қўрқув асири доим ва ҳар жойда одамларнинг у ҳақда нима деб ўйлаётганидан ташвишланаверади. Кўпинча ёш болаларда учрайди. "Одамлар нима дейди?" — деган савол ҳар доимги муаммога айланган оилада ота-оналар фарзандларини билмаган ҳолда қўрқоқ қилиб қўядилар.

***10. Қаришдан қўрқиш.*** Одамдан жуда катта қувват тортиб оладиган бу фобия ростакам қаришни бадтар тезлаштириб юборади. Масалан, америкалик таниқли пластик хирург Жон Бёрнд ўз фаолиятида учратган мана бу ҳаётий мисолга диққат қилинг: "Ҳузуримга транспорт фалокатидан сўнг юзи тикилган бир йигит келди. Бўй-басти келишган, йигирма ёшлар атрофида бўлса керак, деб ўйлагандим. Аслида, ўттиз иккига кирган экан. Юзидаги чандиқни йўқотиб ҳеч қандай из қолдирмадим. Икки ой ўтгач, у яна олдимга келди. Қаршимда олд сочи оқарган, тушкун кайфиятли, ёши қирқдан ошган бир киши шалвираб ўтирарди. Мен кўзларимга ишонмадим. "Айтинг, мен қарига ўхшайманми?" – деб сўради у.

Билсам, мижозим операциядан сўнг қиёфасидан қониқмай, "қари одамга ўхшаб қолдим", деб қўрқа бошлабди. Қаришдан қўрқиш қаритиб юборишини ва ҳеч қандай пластик операция бу қўрқув олдида фойда бермаслигини ўшанда билдим».

Барча руҳшунослар фобиянинг ушбу уч хусусиятини бир овоздан эътироф этишади:

***1. Қўрққан одамни бошқариш осон.*** Шуни билганлар ҳатто ҳеч қандай қуролсиз, якка ҳолда фақат қўрқитиш йўли билан одамларни осонгина тунаб кетади. Қўрқув ақлнинг йўлини тўсиб, одамни энг баланд бинодан ўзини ташлашга ҳам мажбур қилиши амалда кузатилган.

***2. Қўрқув доим одамдан куч олади.*** Кўринмас, аммо ўта хавфли бўлган қўрқув худди зулук каби сизнинг ҳаракатчанлигингиз, ҳафсалангиз, хотирангиз, топқирлигингиз ва ҳатто соғлигингиз билан "озиқланади". Тажриба учун қўрқоқ одамларни ўзига ишонган ва қўрқмаслар билан таққослаб кўришингиз мумкин. Қўрқоқнинг кучи тилидан бошқасига етмайди. "Қўрққанга қўша кўринар", деб бежиз айтилмаган.

***3. Нимадан қўрқсангиз, ўша иш амалга ошади.*** Бу қўрқув олиб келадиган энг ёмон оқибатдир. Нимагадир дуч келишдан қўрқув кучайгани сайин у амалга ошиш хусусиятига эга. Буни кундалик ҳаётингизда ҳам кўришингиз мумкин. Эрталабдан негадир миянгизга: «Бугун ишга кеч қоламан», деган фикр ўрнашиб олади-ю, худди сценарийда ёзилганидек, кутилмаган сабаб билан сиз ишга кеч қоласиз. Бу-ку арзимаган нарса, баъзида қўрқув одамнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Ичингизда неча хил қўрқув борлигидан ҳайратга тушишингиз тайин. Шунга қарамай, психотерапевтлар фобияни даволаш йўлларини аллақачон ишлаб чиқишган ва амалда қўллаб келишяпти ҳам. Бу метод шартли равишда АСТ (accept, choose, take action) деб номланади ва қуйидаги босқичлардан иборат:

***1. A = accept:*** Сўзма-сўз "қабул қилиш" маъносини билдирувчи ушбу босқичда бемор қўрқувини енгиши эмас, аксинча уни тан олиши, бошқа характер хусусиятлари каби қабул қилиши керак. Хавотирни енгиш, уни "четлаб ўтиш" ё унга эътибор бермаслик ҳеч қандай натижа бермайди. Бармоқларингиз борлигига қанчалик ишонсангиз, электр токидан қўрқишингизни ҳам тан олинг. Қўрқув борлигини инкор қилиш унинг бадтар кучайишига сабаб бўлади. Баландликдан қўрқадиган одам аслида жойдан эмас, баландликни кўрганда пайдо бўладиган турли хаёллардан қўрқади. Қўрқув борлигини тан олиш уни бартараф қилишга асос бўлади. Қўрқувни инсонга хос хусусият, бошқарса бўладиган жараён эканини уқдириш, қўрқишдан қўрқмасликни ўрганиш ушбу босқичнинг асосий вазифасидир.

***2. C = choose:*** «танлаш» босқичи. Бунда беморга нима муҳим ва нима номуҳим эканини аниқлашга ёрдам бериш керак. Мижоз аслида унга нима кераклигини билиб олиши шарт. «Қўрқувдан қочиш сизга қанчалик «қимматга тушяпти», хавотир ва ҳадикни енгаман деб ҳаётингизни издан чиқариб юбормадингизми? Қўрқувга қарши курашишингиз учун сизга нима керак? Қўрқув сизга нима берди, ҳаётингизни яхшилашга хизмат қилдими ё аксинчами?» — ушбу саволларга ўзингизни алдамай жавоб берсангиз, қўрқув сизга нима бераётгани ва олаётганини билиб оласиз. Бундан мақсад қўрқувни енгишни хоҳлайсизми ё унга асир бўлиб юраверасизми – шуни аниқлашдир. Ҳаётингизнинг қай бир соҳаси сиз учун муҳим – оила, саломатлик, иш ва ишдаги муваффақият, дўстлар, ўқиш, дам олиш ё диний ҳаёт тарзими? Нима истаётганингизни билиб олинг ва қўрқув бу йўлда сизга дўст ёхуд душман эканлигини аниқланг.

***3. T = take action:*** Ҳаракат қилиш. Бунда мижоз фаоллик кўрсатиши керак. Юқоридаги саволларга жавоб топгач, у ўзи учун аниқ мақсад белгилайди ва шу мақсадни амалга ошириши керак. Акс ҳолда, муолажа ниҳоясига етмайди. Бир қарорга келгач, сизга тўсиқ бўлаётган барча қўрқув ва хавотирларингизни қувиб солинг. Ўзингизга савол беринг: "Сўнгги ҳафтада шу мақсадимни амалга ошириш учун нима қилдим? Бундан буён нима қиламан?" Ҳаётингизни яхшилаш учун қандай фойдали ва мақсадга мувофиқ ишларни бажардингиз? Муҳими, бир нарсани ёдда тутинг: сиз истаган вақтда ҳаётингизни янгидан бошлашингиз мумкин. Бу имкониятни сиздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Қўрқув ўз-ўзидан йўқолиб менга йўл очиб беради, деб кутманг. Қанча ҳаракатчан ва тадбиркор бўлсангиз, қўрққани вақтингиз ҳам шунча оз бўлади.

"Эй, Муҳаммад, сендан руҳ ҳақида сўрайдилар, айтгил, руҳ Парвардигори олам амридандир", — деб марҳамат этади икки олам яратгувчиси. Демак, қалбимизга қўрқув солиши мумкин бўлган бу дунё ташвишу хавотирлари Меҳрибон ва Раҳмдил Зотнинг марҳамат, шафқатларига ишончимиз, ёруғ умидларимиз олдида ҳечдир. Икки дунёмизни обод этгувчи ишонч, умид, таваккулнинг умри узун бўлсин.

**Гулгун СУЛТОНОВА**
**тайёрлади**

# Тарбияда танаффус бўлмайди

***Тарбия сўзи ҳар куни ҳар бир оилада, мактабда, маҳалла-кўйда қайта-қайта тилга олинади.***

***— Боламни ҳечам урмайман, қаттиқ гапирмайман, — дейди баъзи ота-оналар.***

***— Сал жаҳлимни чиқарса, калтаклаб ташлайман, — дейди бошқаси.***

***— Мен жуда қаттиққўлман, — дейди яна бири.***

***Баъзида оналар фарзандларини қулоқда турмайдиган сўзлар билан қарғаётганини эшитиб, хўш, буларнинг қайси бири тўғри тарбия экан-а, дея ўйлаб қоласан, киши.***

***Бу — энди улғаяётган боланинг эрка-тантиқ, худбин, бошқасида муғомбир, айёр, «сўкса эти қотади»ган тоифада бўлиб қолишига йўл очмайдимикин?***

## Бола юрагининг ҳаяжони...

Унда болага қандай тарбия бериш керак, деган савол туғилади. Ана шу саволга жавоб излаб, китоб титкилаш, руҳшунос, педагоглардан маслаҳат олишга ота-оналаримизда шижоат, ҳафсала етаяптими?

Кўпинча, кўча-кўйда, кўпқаватли уйларнинг подъездлари олдида соатлаб гап сотиб, вақтини беҳуда ўтказаётган аёлларга кўзингиз тушади. Оёғи остида ўралашиб юрган фарзанди нималарнидир сўрайди, аммо жавоб бериш малол келиб, суҳбатни давом эттиради, боласига бепарво.

Гоҳида эса у болага қўшилма, бу ишни қилма, яхши эмас, деб қўямиз. Шу билан гўёки бурчимизни бажардик, деб ўйлаймиз. Лекин бола кўнглида пайдо бўлган «нима учун» деган саволнинг мазмун-моҳиятини ким батафсил тушунтиради? Одатда ўсиб келаётган бола тақиқланган нарсаларга ўч бўлади. Чунки айтган сўзимиз аксарият ҳолларда мавҳум, изоҳталаб. Мазмуни етарлича тушунтирилмаганидан кейин уларнинг ўзи жавоб излашади-да.

Тарбияни бир қолипга солиб бўлмайди. Яхши тарбия бериш учун аввало ота-оналарнинг ўзи бой тажриба ва тасаввурга эга бўлиши керак.

Яқинда шаҳардаги мактабларнинг бирида бўлиб ўтган ота-оналар мажлисида қатнашдим. Бошланғич синф ўқитувчиси ҳар бир ота-онадан фарзанди келажакда қандай бўлишини хоҳлашини сўради. Уларнинг деярли барчаси ақлли, ўзига ишонган, қўрқмас, виждонли, фойдали касб эгаси бўлишини орзу қилишларини айтишди.

— Фарзанд орзуингиздагидек бўлиши учун нималар қилиш керак, деган саволга эса яхши ўқиши, тарбияланиши лозим деб жавоб беришди.

— Ана шу хислатларни бекаму кўст шакллантиришда биринчи галда нималарга аҳамият қаратмоқ даркор, деган саволга, афсуски, ҳеч ким жўяли бир фикр билдиролмади. Кўриниб турибдики, фақат хоҳишнинг ўзи орзулар ушалишига камлик қилади.

Қўшним бошланғич синф ўқитувчиси. Унинг бир суҳбатини ўртоқлашмоқчимиз. Зеро, у тарбия соҳасида баъзи ота-оналарга сабоқ бўлиши мумкин.







— Аълочи ўқувчим бор, — дейди у. — Ҳамма фанлардан фақат аълога ўқийди. Кийиниши, дафтар-китоблари ҳам тоза-озода, ёзувлари чиройли, ҳар дарсда шеър берсам ўша заҳотиёқ ёдлайди. Ўқувчиларнинг оиласи билан яқиндан танишиш истагида ҳар бирининг уйига кириб чиқдим. Улар орасидан аълочи ўқувчининг шарт-шароити, яшаш тарзи кўнгилдагидек бўлса керак, деб ўйлагандим. Бироқ ишонасизми-йўқми, ғариб бир кулбада — деразалари йўқ, полсиз хароба уйда туришаркан. Ўқувчининг дарс тайёрлашга ҳатто стол-стули ҳам йўқ, ерда ётиб вазифаларни бажараркан. Ота-онаси яқинда институтни тугатган, шу жойда ижарада туришаркан.

— Бирор жойда ишлайсизми, — сўрадим ўқувчимнинг онасидан.

— Ишлардим, ўғлим учун бир йилдан бери уйдаман. У билан ўзим мунтазам шуғулланиб бормасам, яхши ўзлаштира олмай 1-синфда қоладими, деб қўрқаман, — деди у.

Айримларда эса мутлақо бошқача. Масалан, икки нафар ўқувчининг отаси «Мерседес»да, онаси «Нексия»да мактабга келади. Лекин фарзандининг ўқиши яхши эмас, дафтар-китоблари йиртилган, кир.

Ана шу икки мисол орқали бир мушоҳада қилиб кўринг-чи.

— Фарзанди биринчи синфга чиққанда ота-она ҳеч бўлмаганда, бир йил шуғулланиши керак. Кўпчилигимизда эса ундай эмас: бола мактабга чиқдими, бўлди қутулдим, буёғи билан ўқитувчи шуғулланади, унинг вазифаси, қолаверса, бунинг учун давлат уларга маош тўлайди, деб ўйлашади.

— Уйда ота-онаси астойдил шуғулланмаган боланинг билими саёз бўлиб қолаверади, — дейди 131-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зарифа опа.

Бир пайтлар ётоқхонада яшаганимда қўшним бўларди. Ўғлини мактабга кузатиб, кейин сабрсизлик билан уни кутарди. Келиши билан қорнинг очдими, деб сўрамасдан, баҳолари билан қизиқарди. Баъзан она-боланинг суҳбати қулоққа чалинарди.

— Сизни хурсанд қилмоқчийдим, — дерди ўғли.

— Ахир, сен беш оласан-у, нега хурсанд бўлмай, ишонаман, сен билан фахрланаман, — дерди унга онаси.

Гоҳида:

— Ўғлим, бугун пул беролмайман, хафа бўлмагин, — дерди худди катталар билан гаплашаётгандек.

Унга жавобан ўғли:

— Ойижон, пул керакмас, бугун дарсимиз озроқ, — деб ойисини хотиржам қиларди.

Шу оддийгина суҳбат ҳам бола тарбиясида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки ўша қўшнимнинг ўғли ниҳоятда одобли, ақлли, ҳамма ҳавас қилгулик эди.

Аксарият ҳолларда биз оналарнинг фарзандига қўпол муносабатини кузатамиз. «Йўқол, пулим йўқ, ўчир овозингни» қабилидаги гаплар бола асаб ҳужайраларини қўзғатиб жаҳлдор, худбин, қўпол қилиб қўяди.

Шу нарса аниққи, болаларга кўнгли тортадиган ўқитувчиларининг, ҳурматга лойиқ бўлган яқин кишисининг сўзи тез таъсир қилади.

Бу борада машҳур педагог А. Сухомлинскийнинг «Катта ёшдагилар адолатсизликни хато деб тушуна олишса ҳам, бола ҳаётдаги барча мураккабликларни тушунишга ҳали қодир эмас. Бола қўпол жеркишда ҳам, мазах қилишда ҳам, гўё шунчакидай туюлганга ўхшаш камситишда ҳам адолатсизликни сезади, шунинг учун ҳам катталар томонидан болани аяш, айниқса, жиддий ва муҳим масаладир», деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**Барно СУЛТОНОВА**

***Ниҳолнинг униб-ўсиши, кун сайин улғайиши, куртак отиши ва бир кун келиб улкан дарахтга айланиши аслида ўзига хос мўъжиза. Инсон иқтидорини ҳам ниҳолнинг дарахт бўлиб қиёфаланишига менгзаш мумкин.***

***Дарҳақиқат, иқтидор, қобилият, истеъдод одамлар тақдирида намоён бўлиши учун бемисл меҳнат ва тинимсиз ҳаракат зарур бўлади. Бусиз истеъдод чархланмаслиги, ёинки вулқон сингари юзага чиқмаслиги табиий. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий болалигиданоқ кўп шеърлар ёд олиб кўпчиликни лол қолдиргани, ҳатто устози мавлоно Лутфийнинг юксак баҳосига сазовор бўлгани барчамизга маълум. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.***

## Истиқлолнинг умидли учқуни

Бугун мамлакатимизда улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари, билимга чанқоқ ёшлар талайгина. Қўқонлик Азизбек Юлчиев ҳам ана шундай қобилият соҳиби. Ҳозирда у Тошкент Давлат юридик институтининг ҳуқуқ факультетида ўқийди. Ҳали мактаб ёшига етмасиданоқ бошланғич фанларни пухта ўзлаштириб олган Азизбек бирйўла 2-синфдан сабоқ ола бошлайди. Унинг ўқиш-ўрганишга бундай интилишига аввало оиладаги муҳит ҳам муҳим аҳамият касб этган. Айни пайтда акаси Швециянинг Стокгольм университети Халқаро бизнес бошқаруви факультетида магистратура йўналишида таҳсил олаётир.

Мактабда тарих ва ҳуқуқ дарслари чуқурлаштириб ўтилгани боис, Азизбек мазкур фанлардан мукаммал билим олди. Натижада ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасига қизиқиш кучайиб борди. 9-синфда ўқиб юрган кезларида ҳуқуқ фанидан олимпиадага қатнашиб, вилоятда 2-ўринни эгаллашга мушарраф бўлди. Бу унга яна ҳам илҳом бағишлаб, бундан-да юқори поғоналарга олға интилишини кучайтирарди. 1999 йил ойнаи жаҳонда эфирга узатилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли кўрсатувда иштирок этиб, Юртбошимизнинг дастхати битилган эсдалик китобни қўлга киритди. Олий ўқув юртида кўплаб иқтидорли талабалар ва улкан илмий муҳитга дуч келди. Бундай қулайлик уни яна ҳам ҳаракат қилишга чоғлантирди, янгилик яратиш сари ундади. Ҳуқуқий фанларни ўзлаштириш билан бирга, ушбу соҳада жиддий изланишлар олиб борди. Бў йўлда унга устозлари — юридик фанлар доктори, профессор М. Рустамбоев, юридик фанлар доктори Қ. Абдурасулова, доцент Ф. Тоҳировлар яқиндан кўмаклашяпти. Ҳозиргача унинг 25 дан ортиқ илмий мақолалари республикамизнинг даврий нашрларида ёритилган. Шунингдек, у 2 та илмий-оммабоп рисола, 1 та услубий қўлланма муаллифидир. Тиниб-тинчимас Азизбек институт ва халқаро миқёсда ўтказилаётган конференциялар, давра суҳбатлари, семинар-тренингларда мунтазам иштирок этиб, муваффақиятларга эришмоқда.

Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаларида доимий қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Жамоат ишларида ҳам фаол ва ташкилотчи. Айни пайтда институтнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотида сиёсий-ҳуқуқий соҳа етакчиси. Рус, инглиз, немис ва турк тилларини яхши билади. Жорий ўқув йилида Алишер Навоий номидаги стипендия совриндори бўлди.

Юртимизда Азизбек сингари иқтидорли ёшлар юксак чўққиларни забт этишга астойдил бел боғлаган экан, уларнинг бундай шижоатидан ҳақли равишда фахрланадиган ва уларга эргашадиганлар кўпайиши шубҳасиз. Зеро, эл-улус шуҳрати, Ватан тақдири ана шундай билимли, зукко ва истеъдодли ёшлар қўлидадир.

**Ғофур ЖАБИЕВ**

## Уруғига қараб меваси

Мамлакатимиз истиқболи ёшларнинг билимдонлиги, маънавий етуклиги ва фидойилигига боғлиқ. Таълим масканимизда ўғил-қизларни ана шундай етук инсонлар этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган ўқув йилидан бошлаб кимё фанидан вилоят бўйича тажриба-синов майдончаси ташкил этилди. Тажриба-синов синфида 28 нафар, назорат синфида эса 31 нафар ўқувчи қатнашмоқда. Шунга кўра йиллик иш режасини тузиб чиқдик.

Майдончамизда фан кабинети мавжуд. Имкониятдан келиб чиқиб уни кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар, фанга оид турли хил паннолар ва компьютер билан жиҳозладик. Синфлар тажриба-синов мақсадларига мос ҳолда танланган. Ўқувчиларимизда кимё фанига қизиқиш кучли. Бироқ тажриба ўтказиш учун бироз қийинчиликлар туғилмоқда. Сабаби, керакли асбоблар етарли эмас. Бунинг устига айни пайтда мактабимиз қайтадан капитал таъмирланиб, қўшимча синф хоналари қурилмоқда. Албатта, буларнинг ҳаммаси вақтинчалик.

Иш фаолиятимизни вилоят ва туман халқ таълими мутахассислари бир неча бор таҳлил этишди. Улар бизга янги педагогик технология билан ишлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва фаолликка ўргатиш, дарсларни экологик муаммоларга боғлаб ўтиш ҳақида керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди. Бундан хулоса чиқариб олдик. Эндиликда янги дарс ишланмалари тайёрлаб, ҳар бир мавзуни кўргазма асосида ўтишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар чоракда очиқ дарслар, семинарлар ташкил қилинди. Уларда мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари қатнашиб, ўтилган машғулотлар бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тажриба-синов ва назорат синфларида ўқитиш замон талаблари даражасида олиб борилади. Ўқувчилар ҳам масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда машғулотларга эътибор билан қараб сабоқларни ўзлаштирмоқда. Агар муаммо ҳал этилса, самара бундан ҳам юқори бўларди. Чунки, кимё — мураккаб фан. У кўпроқ амалиётни талаб этади.

Бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлмоғи керак? У замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўз фанининг билимдони бўлиши, услубий билим ва малакаларни эгаллаган ҳолда ўзининг илмий савияси ва фикрлаш даражасини ошира бормоғи лозим. Бу эса ўқитувчининг касбига бўлган муҳаббати, фидойилигига боғлиқ.

Муаллим зотининг бор умиди ўзи сочган уруғларнинг ўсиши ва мева беришида. Ахир донишмандлар айтганлар-ку: «Уруғига қараб меваси», деб. Биздек ўқитувчилардан таълим олган ўғил-қизлар бугун дунё мамлакатлари ёшлари олдида ўзбекнинг кимлигини кўрсатмоқдалар. Бу ҳам фахр, ҳам ифтихордир.

**Ҳодихон ҲАМИДОВ,**
**Жиззах тумани 31-умумий ўрта таълим мактабининг экспериментатор ўқитувчиси**

XX аср жиноятлари

# ЯХШИ ЯШАШНИНГ ЁМОН ЙЎЛИ

***Ўзига бино қўйган Розмари Абердур хайрия фондидан жуда катта миқдордаги маблағни гумдон қилди. У бу пулларга турли зиёфатлар уюштириб, маишатга муккасидан кетди. Бироқ ҳақиқат қарор топиб, Розмари ҳибсга олиниши билан бундай турмуш тарзига чек қўйилди.***

***Розмари бирор нарсага пул сарфлар экан, буни дабдаба билан амалга оширарди. Масалан, 50 минг фунт-стерлингга «Бентли» машинасини сотиб олганида, уни уйига олиб бориш учун ўша ернинг ўзидаёқ катта пул эвазига ҳайдовчи ёллаган. Қисқа вақт ичида у ўтиришлар учун 780 минг фунт-стерлинг сарфлаган. Умумий баҳоси 200 минг фунт-стерлингдан зиёд бўлган бир нечта ҳашаматли автомобилларни харид қилган. Ҳаммасидан ҳам ўйнаши чўмилиши учун уйидаги ваннани 240 шиша шампан виноси билан тўлдирганлиги унинг кимлиги-ю, маънавияти ва дунёқараши ҳақида хулоса чиқаришингиз учун етарлидир.***

## ДАБДАБАЛИ ҚАЛЛОБЛИК

Кариб денгизида яхталарда ҳордиқ чиқариш, Лондон заргарларига, Парижнинг энг яхши тикувчиларига буюртмалар бериш... Дабдабали ҳаёт кечириш Розмарининг шиори эди. Аммо бунинг ортида қаллоблик турарди. Негаки Абердур «хоним» бор-йўғи очиққўнгил одамларнинг пулларини ўзлаштиришни касб қилиб олган фирибгар, сохта оқсуяк эди. Полиция ҳибсга олгунига қадар у хайрия фондига тегишли 3 миллион фунт-стерлингга яқин пулни беҳуда совуриб юборишга улгурганди.

Текин бойлик орттириш иштиёқи оддий одамни ҳам ўғрига айлантиришига 1961 йилда туғилган Розмарининг ҳаёти ёрқин мисолдир. Эссекслик рентгенолог Кеннет Абердур ва қачонлардир Лондон марказий касалхонасида котиба бўлиб ишлаган Жин Абердурнинг фарзанди бўлмиш Розмари маҳаллий мактабда ўқиди. Таҳсилни тугатгач, шаҳардаги фирмалардан бирида бухгалтер сифатида стажерлик қилди. Иш жойини бир неча марта ўзгартириб, 1987 йили яхшигина иш топди – касалхона қошидаги хайрия фондига бухгалтерлик лавозимига қабул қилинди. Шу ерда у ёлғон ва фирибгарлик йўлига қадам қўйди. Тўғри, янги жойда Розмари дастлаб сидқидилдан меҳнат қилди. Бу даврда тиббиётни ривожлантиришга мўлжалланган маблағлар миқдори ортди. Лондон марказий касалхонаси паришонхотирлик, тутқаноқ ва инсультни даволаш бўйича дунёда тан олинган марказлардан ҳисобланади. Розмари касалхона васийларини ҳар йили ўтказиладиган «Қирол базми» фондини ривожлантириш ва унинг кассасини тўлдиришга ёрдам беришига ишонтира олганида муваффақият сари биринчи қадамини қўйган эди.

## ХАЙРИЯ БАЗМИ

Бу базм бошқа хайрия кечаларидан унчалик фарқ қилмайди. Лекин Розмари яхши билардики, агар жамоатчиликни чипталари қиммат ушбу махсус базмга келишга кўндира олса, касалхона ҳисобига катта пул тушиши мумкин эди. Шундай ҳам бўлди, «Қирол базми» шу қадар муваффақиятли ўтдики, бу Розмарига яна бир нечта шундай тадбирларни ташкиллаштириш имконини берди. Уларнинг баъзиларига хайрия жамиятларининг ҳомийси бўлмиш Уэльс маликаси ташриф буюрарди.



Розмари бадавлат одамлар даврасига қўшилишга муваффақ бўлди. Унинг ғайратшижоати, давлатманд ва машҳур кишиларни Лондон касалхонасини ривожлантириш учун катта маблағ ажратишга кўндира олиш санъати борган сари сайқал топа борди. У ҳақиқатан ҳам жуда саботли эди. Розмари иккиюзламачилик билан: «Мен касаллар билан учрашишдан улкан руҳий қувват оламан», дея таъкидлашни яхши кўрарди.

## ОСМОНДАН ТУШГАН 20 МИЛЛИОН...

Ҳалол ва ҳаром ўртасидаги чегарани Розмари 1988 йили, хайрия фондининг пулларини оз-оздан ўмара бошлаганида кесиб ўтди. У раҳбариятнинг буткул ишончидан фойдаланиб жамиятнинг маблағларини назорат қилар эди. Хайрия пулларининг бир қисми қурилиш компаниялари ва банк депозитларида сақланарди. Биринчи «Қирол базми»дан кейиноқ Абердур хайрия маблағлари йиғиладиган ҳисобварақларга имзо чекиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бироқ пул олиш учун ҳар бир чекда уникидан ташқари бошқаларнинг, масалан, фонд ижрочи директори Ричард Стивенснинг ҳам имзоси бўлиши талаб қилинарди. Шунинг учун фирибгар уларни сохталаштира бошлади. Розмари ҳисоб-китобларни шундай олиб борардики, ўзи ўзлаштирган суммалар ҳеч қачон расмий ҳисоботларда акс этмасди.

Бу эҳтиёжларини қондиришнинг энг осон йўли эканлигини у жуда тез англаб етди. Унинг нафси тобора ҳакалак отиб борарди.

Жамият ҳисобварақларидаги пулларнинг асосий қисми 1989 йилнинг апрелидан 1991 йилгача ғойиб бўлган. Пуллар у махсус очиб қўйган банк ҳисобварақларига дарёдай оқар эди. Ўша пайтлари турмушида юз берган кескин ўзгаришларни изоҳлаш учун фирибгар ёлғонни сув қилиб ича бошлади.

Фонд раҳбари Жон Янг Розмари ишга ҳайдовчи ва қўриқчи кузатувида ҳашамдор «Бентли» лимузинида кела бошлаган кунларни яхши эслайди. «Сизни кўриб, қиролича келаяпти деб ўйлашлари мумкин», деган эди у Розмарига ҳазиллашиб. Абердур эса буткул жиддий оҳангда: «Буни қаранг, мен яқинда 20 миллион фунт-стерлинглик мерос олдим, шунинг учун қўриқчи билан юришим керак», деганди. Барча танишларига кутилмаган омад унга Абердур хоним унвонини олиш ҳуқуқини берганини тушунтириб чиқди. Абердур тезда Темза бўйидаги ҳовузли, ваннаси пушти ранг мармардан бўлган ҳашаматли уйга кўчиб ўтди. Уйдаги кўҳна креслода бир ёстиқ бўлиб, унга Розмари ўз қўллари билан «Мен эски винони, ёш эркакларни ва ўзимни яхши кўраман», деган сўзларни тикиб қўйган эди. Меҳмонхонадаги қандилнинг ўзи 10 минг фунт-стерлинг турарди.

Фош қилиши мумкин бўлган эски дўстлари ва танишларидан ўзини олиб қочиши бахт кошонасига олиб борувчи йўл деб билган Розмари Абердур атрофига унинг ҳашаматидан ҳайратга тушадиган «содиқ» дўстларни йиға бошлади.

## «БАХТНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН...»

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деганларидек, Розмари Абердур пулни орқа-олдига қарамай сарфлаб юборарди. Унинг «саховати»дан албатта, атрофидаги «дўст»лари ҳам баҳраманд эдилар. Розмари дўстликни пулга сотиб олиш мумкин деб ўйлаганлар учун Лондонда дабдабали зиёфатлар, Ҳинд океани ва Кариб денгизи бўйлаб саёҳатлар уюштиргани етмагандек, Лондондаги қасрида бир ярим йил ишлаган филиппинлик Мануэл Кабрерага шинам квартира совға қилган. Кабреранинг эътироф этишича, Британия армиясининг капитани Майкл Каббинсга турмушга чиққан бўлишига қарамай, хоним доимо зино йўлида юрган. Кабреранинг вазифаси эр ва жазманнинг бир-бири билан дуч келиб қолишининг олдини олиш бўлган.

Фонд васийларининг масъулиятсизлиги ва ишончидан фойдаланган фирибгар маблағларни ўзлаштиришда давом этарди. Таъкидлаш жоизки, шаҳарнинг энг яхши аудиторлари ҳам икки марта текшириш ўтказиб, унинг ишидан камчилик топишолмаган.

1991 йилнинг биринчи ярмида у 1 миллион фунт-стерлингни ўзлаштирган. Шундан сўнг Абердур «хоним» ўзининг ҳисобварағидан 100 минг фунт-стерлинг олиб госпиталга эҳсон қилганига қойил қолмай илож йўқ. Ана энди раҳбарият олдида унинг обрўси қанчалик ошганини тасаввур қилиб кўринг.

Бироқ бундай йирик миқдордаги маблағлар камомади узоқ вақт пинҳон қолиши мумкин эмасди. Дастлаб Лондонда яшовчи бошқа бир Абердур хоним атрофида қандайдир ғалати ҳодисалар юз бераётганидан шубҳалана бошлади. Негаки, унинг эри лорд Стюарт Абердурга турли одамлардан хатлар кела бошлаган, улар мазкур мактубларида бўлиб ўтган меҳмондорчилик учун миннатдорчилик билдирган эдилар. Табиийки, гап қандай зиёфат ҳақида кетаётганини билмай лорд ва хотинининг боши қотган. Бунинг устига улар мактуб эгаларини мутлақо танимас эдилар.

## ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

Ёлғон охир-оқибат фош этилди. Бунга фирибгарнинг эҳтиётсизлиги сабаб бўлди. Гап шундаки, Розмари Абердур пул билан боғлиқ ҳийла-найрангларда ўзига бино қўйгани сари эҳтиёткорлиги ҳам пасайиб борган. 1991 йил июн ойида у одатдагидек «дам олиш учун» бир неча кунга кетади, аммо офисдаги ўзининг столи устида фондга қарашли қурилиш компаниясининг ҳисоб рақамидан олинган 120 минг фунт-стерлинг пулнинг чеки нусхасини унутиб қолдирган. Нусханинг ёнида ушбу маблағни Розмари хайрия фондидан ўмарган пулларини ошкоралаштирадиган бешта банкнинг бирига ўтказишга рухсат берилган хат ётар эди. Хатни ҳам, чек нусхасини ҳам хайрия фонди ижрочи директори Ричард Стивенс топиб олади. Қурилиш компаниясининг ҳисобварағига Абердурнинг имзоси кифоя қилмаслигини у яхши билар эди. Не кўз билан кўрсинки, ўзининг ва бошқаларнинг ушбу ва ундан олдинги чекларидаги имзолари сохталаштирилган экан.

1992 йил март ойида бўлиб ўтган суд жараёнида фирибгар айбловнинг 17 банди бўйича айбига иқрор бўлди, яъни хайрия фондининг 1 миллион 339 минг фунт-стерлингини ўмарганини тан олди.

Суд Розмари Абердурни 4 йилга озодликдан маҳрум қилди. Хайрия фондидагилар мазкур ҳукмни суд бу билан Розмарининг елкасига қоқиб, баракалла, она қизим дегандай бўлди, қабилидаги ўйда қарши олдилар.

**Интернет материаллари асосида**
**Насиба ТОЖИЕВА**
**тайёрлади**

Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

(Қисса)



*(Боши ўтган сонларда)*

Бекор айтибсиз ака! — Сингил анча жанговар эди, — элликдан ошган одам ёш боланинг ишини қилманг! Эл-юртга кулги бўлманг! Эшитган одам нима дейди ахир! Ўғил-қизларимиз, «тоғам қани?» деб сўрашади. Ичимиз узилиб кетса ҳам, ташда жилмайиб, «Савдо-сотиқ иши билан юрибди», деб алдаймиз боларни! Э, қанақа одамсиз ўзи! Эр киши ҳам аразлайдими?!

Хуллас, шу куни укалар ва сингил ялиниб-ёлвориб, керак жойида қаттиқ гапириб, зўрлик билан уйга олиб боришди...

Лекин оила аъзолари ва Бекмирза ўртасида пайдо бўлган дарз аллақачон ҳатлаб ўтиб бўлмас даражадаги жарга айланган эди...

У ҳар куни эрта билан ўрнидан туриб, ювиниб-таранар ва Солиҳанинг ҳузурига кетарди. Иккалови «висолхона»да нонушта қилишгач, у Солиҳани ишга ташлаб келарди. Солиҳанинг ишхонасида ҳам иккаласининг муносабатлари энди сир бўлмай қолган, уларга худди эр-хотин каби қарашар эди. Сўнг ўзининг тижорат ишлари билан кетар, у ер-бу ердаги танишлардан мол олиб дўконга, асосан Тоҳирга элтиб берарди. Олис шаҳарларга деярли қатнамай қўйди. Орада бир марта Андижонга бориб, улгуржи мол келтирди, холос. Дўконлардан илгаригидай даромад тушмас эди, чунки Тоҳир ҳам, Моҳигул ҳам ҳеч қачон улгуржи савдога қўл уришмаган, илгари Бекмирза келтириб берган молни сотиб ўрганган эдилар. Бекмирзанинг таниш-билишлари кўп ва улар билан ўзаро савдо алоқалари жуда қалин эди. Бу даврага Тоҳирнинг кириши анча мушкул иш, натижада савдонинг орқага кетиши чиндан ҳам Бекмирзага боғлиқ бўлиб, унинг юриш-туриши шу жиҳатдан ҳам оиладагиларнинг кўпроқ ғашини келтирарди. Бир гал Моҳигул эрта саҳарда йўлга отланган Бекмирзанинг рўпарасидан чиқди.

— Бир дақиқага мумкинми?

— Хўш?

— Дадаси, жиндай гаплашиб олайлик... Нима бўлса, ўтди энди. Ўзингизни босинг, ҳаммаси жойига тушиб кетади... Рўзғорни, дўконни ҳам бир... кўриб қўйсангиз бўларди.

— Рўзғор билан ҳам, дўкон билан ҳам сариқ чақалик ишим йўқ! Ҳаммасини қўш қўллаб топширганман!

Бекмирза эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди...

— Солиҳа! — деди у шу куни кечқурун, — келинг, бирга яшай қолайлик! Ўғлингизни ўз ўғлимдай ўстираман. Меҳримни аямайман.

— Ҳалиям... бирга яшаяпмизку, — эътироз билдирди Солиҳа, — мени... биласиз. Лекин аямни ёлғиз қолдиролмайман. У киши сиз билан бирга яшашга... кўнмасалар керак.

Бу қатъий жавоб эди. Бекмирза Солиҳанинг феъл-атворини яхши биларди — мулойим оҳангда билдирилган фикрлар ипак арқондай пишиқ-пухта, унда эътирозга ўрин йўқ. Моҳигул ҳам бирор фикрга келишдан аввал масалани тоза ўрганади, пишитади, гапирганда қанчалик нозик, қалтис фикр бўлмасин, ўзини босишни эплайди, аммо баъзида ўзини тутолмай, куюшқондан чиқиб ҳам кетади... Солиҳада Бекмирза бирор марта ҳам бундай ҳолни кузатмади.

Бекмирза ярим тунда уйига қайтди. Ҳаммаёқ жим-жит, сокинлик. Аммо Тоҳир яна аллақайси сериални томоша қилиш билан банд экан. Отаси келганини пайқаб ўрнидан туриб, истиқболига чиқди. «Нечук ўғилгинам отасини кутиб олишдай қаҳрамонликка журъат этдилар?» дея аччиқ кулимсиради Бекмирза.

— Салом алайкум, ҳорманг, дада...

— Бор бўл, ўғлим, — Бекмирза шундай дея юқорига, ўз хонасига йўналди. Чунки Тоҳир саломлашган ондаёқ унинг мияси чаққан: ўғли она тазйиқи билан эрталабки масалада гаплашгани уни кутиб турганини пайқаган эди. Тоҳир зипиллаб отасига эргашди. Хонага киришгач, иккаласи ҳам индамай стулларга ўтиришди. Бекмирза юзига фотиҳа тортди. Тоҳир унга қўшилди.

Орага ёқимсиз сукунат чўкди.

— Ишларингиз қалай, дада?

— Михдай!

Тоҳир сочларини силади, қўлларини қирсиллатди, у ёқ-бу ёққа қийшайди.

Сўнг минг хижолат ичида гап бошлади.

— Дада, ўзингиз биласиз, кейинги пайтларда ишимиз анча орқага кетди. Сизсиз ишлаш жуда қийин экан. Қанчалик ишонган, суянган тоғимиз эканингиз кейинги беш-олти ой ичида сезилиб қолди. Тўғри, ўша иш... Жуда ноўрин бўлган эди. Лекин аям барибир аёл киши, эртани ўйламай ўша гапларни айтиб юборди. Биз аралашолмадик... Бироқ бу мулкларнинг ҳаммаси барибир ўзингизники. Уларни сиз яратгансиз, топгансиз... Биздан ўтган бўлса, минг бор узр, дада.

Бекмирза ўғлидан кўзларини узмай, тик боқиб турар, вужудини енгилган, маҳв этилган душманини шафқат сўраб қўл чўзаётганини кузатаётган жангчи ғурури, ўктамлиги чулғаб олган эди.

Бироқ кўп ўтмай, маъюс қиёфада бош эгиб ўтирган ўғли кўриниши юрагидаги бу туйғуни аста ўчира бошлади. Юрагини аксинча қаттиқ хижолат ҳисси қамради.

«Ўзинг кечир, худойим! Ахир бу ўз жигарим — ўғлим-ку! Нега кўнглимга бундай орсиз, шафқатсиз интиқом ҳиссини қўйдинг. Фарзандларим, хотинимга нисбатан бундай беомон ўч олиш туйғуси нечун юрагимни қамраб олди? Ахир, уларнинг нима айби бор? Неки қилсам ўзим қилдим, асл айбдор ўзим-ку!»

Тоҳир бошини эгганича, отасининг юзига қаролмай ўтирарди.

— Энди ўғлим, ўзи биринчидан сени ўша давраларга олиб кирмаган, таништирмаган одам отанг бўлади. Бу менинг айбим! Мол-мулклар масаласига келсак, бу иш адолатли бўлди. Бундан ҳеч ҳам ўкинма. Бугун бўлмаса эртага, албатта, бу воқеанинг юз бериши қонуний эди. Тўғри, уч-тўрт йил эртароқ содир бўлди бу... Бу нарса, майли, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг эртаси яхши... Мен хафа эмасман, нимаики қилган бўлсам сизлар учун қилганман, ҳаммаси сизларники... Эртадан яна, аввалгидай, мол олиб келишни бошлаймиз. Лекин энди доим ёнимда бўласан, таниш-билишларим билан алоқа ўрнатасан. Кейинчалик қийналиб қолмайдиган бўласан. Тоҳир бошини кўтармай, минғирлади:

— Раҳмат, дада.

Кутилмаганда Бекмирза Тоҳирнинг қўлидан ушлади ва ҳаяжон ичида тез-тез гапира кетди.

— Ўғлим! Сен эркак кишисан, шу боис бир гапни айтаман. Мени тушунарсан деб ўйлайман. Аянг билан ўттиз йилдан буён бирга яшаймиз. Ёмон яшамадик. Худога минг қатла шукур, сиздай фарзандлар орттирдик, уй-жой, мол-мулк қилдик. Аянгдан минг марта розиман. Аммо орадан шунча йил ўтгандан сўнг билдимки, аянгни ҳеч қачон чинакамига яхши кўрмаганман... бор вужудим билан севмаган эканман! Мен муҳаббат нималигини, бир аёл вужуди, суҳбати, висолига интилишнинг нақадар кучли, ўтли туйғу эканлигини энди билдим... Мени кечир ўғлим, кечиринглар мени... Энди бор, дамингни ол, эрталаб йўлга чиқамиз!

У шундай дея терс ўгирилди. Тоҳир бир нарсаларни минғирлаганича чиқиб кетди.

* * *

Ёш болалар билан аёллар орасида ажиб бир ўхшашлик бор: бирор нарсадан кўнгли оғринса ёки ўксинса бола дарров кўзига ғилқиллаб ёш олади, аксарият аёл зотида ҳам шу ҳолат... Солиҳа ҳам бундан мустасно эмас...

Боласини олдиргандан сўнг бу жувоннинг кўнгли ўргимчак пардадай нозик, салга бузиладиган бўлиб қолди. Дастлабки кунлари қанчалик қаҳр-ғазабга тўлган бўлмасин, вақт ўтган сари Бекмирза бу кўнгилсиз воқеани унута бошлади. Бир куни улар сайр қилиш учун Чодак томонларга боришган эди.

Ҳар галгидай Бекмирзанинг ўша эски қадрдони Омонбойнинг хонадонига қўнишди. Омонбой ҳам, хотини ҳам энди уларнинг муносабатларини яхши билишар, меҳмонга келганларида эр-хотиндай қабул қилишарди. Кеч кириб, қуёш қишлоқ тепасидаги маҳобатли қоялар орқасига юмалаши билан атрофга ёқимли салқин тушди. Шарқираб оқаётган зилол сувли сой соҳилига қурилган ёғоч сўри устида Омонбой уларга зиёфат берди. Бекмирза билан хонадон эгаси тўйиб ароқ ичишди, аёллар номига мусаллас тотган бўлишди. Юзлар қизиб, ақллар шошган, кетма-кет ёғилаётган аскияю латифалар, таранг ноғораларга бетиним урилаётган зарблардай тўхтовсиз қаҳ-қаҳалар қўзғайди... Ўтиришда рангпаргина жувон — Омонбойнинг келини хизмат қилиб юрарди.

Бир маҳал келин қайнонасига яқинлашиб, қулоғига бир нималар деб шивирлади. Қайнона хўшёр тутди ва савол назари билан эрига қаради.

— Ҳа, нима гап?

— Умрбек... уйғониб, хархаша қилаётганмиш...

— Олиб чиқ бу ёққа унда! Келинни ишдан қўйма! Меҳмонларимиз ҳам бир... суҳбатини олсин Умрбекнинг! — дея қаҳ-қаҳа солди Омонбой.

Умрбек уларнинг икки яшар невараси, тили бийронлашиб қолган, суюққина бола эди. Солиҳа болачани кўрди-ю, юраги ҳаприқиб кетди — ўғли Камолиддиннинг гўдаклиги! Икки-уч ёшларда у ҳам худди шу болачадай ширин, ёқимтой эди! Шу аснода ялт этиб ёдига тўрт ойлигида нобуд этилган ҳомила тушди. Агар... Агар омон бўлганда у ҳам ҳозир туғилган, она кўкрагини мийқиллаб эмаётган бўларди. Озгина ичилган мусаллас таъсирида эриб ўтирган Солиҳанинг вужуди бўшашди. Кўксини кучли оғриқ эза бошлади. Кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди... «Болагинам! Дунё юзини кўрмай туриб ўлимга маҳкум этилган жигаргўшам! Нега шундай қилдим, нега сени... ўз қўлим билан ўлдирдим!»

Энди Солиҳа ўзини тутиб туролмади, пиқиллаб йиғлаганича Омонбойнинг хотини елкасига юзларини босиб олди. Ўтириш бирдан ари уясидай тўзғиб кетди. Омонбойнинг хотини қўлидаги гўдакни эрига тутқазиб, Солиҳани бағрига олган, Бекмирза ҳам аёлнинг сочларини силаб, нималардир деб таскин бера бошлаган, Омонбой қўлидаги гўдакни маҳкам бағрига босганича гаранг...

Бироздан кейин Солиҳа йиғисини тўхтатди. Мезбонлардан узр сўраб, юз-кўзини ювиб келди.

— Тўрт-беш ой илгари... ҳомиласи нобуд бўлувди, — дея минғирлади Бекмирза Омонбойга.

— Ҳа, тушунарли, — деди Омонбой. — Сиз билан бизга унча билинмайди-ю, аммо, аёл кишининг жигар-бағрини эзиб юборади бу. Лекин қаттиқ куйинавериш ҳам худога маъқул келмайди. Ўзи берган — ўзи олибди! Худо хоҳласа, ҳали яна кўчқордай-кўчқордай ўғиллар кўрасиз, келин! Худойим берардан қисмасин! Мана шу гўдак — Умрбек ҳам озмунча ташвишга солмаган бизни... Келин сал... касалмандроқ чиқиб, анчагача бўйида бўлмади. Умрбекка боши қоронғи пайтлари эса дўхтирлар келинни текшириб, «Бўлмайди! Болани олдиринглар!» дейишди. Бола туғишга келиннинг соғлиғи кўтармасмиш... Ўзи юриб-юриб, олти йилда бўйида бўлган эди. У қилдик, бу қилдик, қудаларим билан обдон маслаҳатлашдик. Қолаверса, келиним ҳам маҳкам турди. Ўлсам, ўлай! Лекин болани туғаман!» деб туриб олди.

Ҳомиладорнинг ўзи маҳкам туриб олгач, дўхтирлар ҳам нолож қолишаркан. Бола ёруғ дунёга тушгунича бошимиздан ўтганни сўраманг! Лекин келинга минг раҳмат — ўлимни бўйнига олиб шу болани туғди. Шу боис онасининг ҳам, ўзининг ҳам умрини Оллоҳ узун қилсин деб, отини Умрбек қўйганмиз!

Бекмирзанинг ҳам, Солиҳанинг ҳам юрагига бу ҳикоя мазмуни бигиздай санчилди. Ахир, фарзанд кўриш учун ҳақиқий хотин, ҳақиқий она бекаси ўлимга ҳам тайёр туради. Бири қизидан, бири онасидан қўрқиб бир ҳомила — бўлғуси гўдак, фарзанд жонига зомин бўлган эр-хотинни нима деб аташ мумкин? Аслида эр-хотинликми бу?

Шу куни зиёфат ҳам, салқин тоғ ҳавоси ҳам уларга татимади. Ошдан сўнг Солиҳа, «кетамиз», деб туриб олди. Бекмирзанинг ичиб олганига ҳам парво қилмади. Фарғонага келгунларича ҳам Солиҳа миқ этмади. Бекмирза йўлни «висолхона» томон бурган эди:

— Уйимга ҳайданг! — деди Солиҳа қатъий оҳангда. Эшик тагида совуққина хайрлашди-да, тез-тез юриб, уйига кириб кетди.

— Уч-тўрт ҳафтадан буён кайфиятинг бузуқ, кўнглинг ғаш... Буни она кўнгли сезмаса, ким билади, жон қизим... Нима бўлди? Очиғини айтавер...

Солиҳа онасининг қоқ суяк қўлларини ушлаб, юзларига босди.

— Юзларинг чўғ бўлиб ёняпти, — давом этди она. — Юрагинг ҳам қинидан чиқиб кетгудай урмоқда... Нимадан ҳаяжондасан? Албатта, анави... одам туфайли бўлса керак... Нима қилди? Айнидими? Айниса, сатқи сар! Бир тола сочингга ҳам арзимайди у!

— Онажон, ундай деманг... Ундай деманг... У одам ҳеч қачон айнимайди! Лекин, шу... шу юриш эзиб юборяпти мени! Оилали бўлиб, фарзанд кўролмасак, рўзғор қилолмасак, ҳар замонда бегона жойда худди ўйнашлардай кўришсак... Тўй-тўйчиқ, қавму қариндошларнинг маросимларига бирга боролмасак... Таниш-билишлар бизга эр-хотиндай эмас, оддий ошиқ-маъшуқлардай, тўғриси, ўйнашлардай қарашса... Шаҳар кўчалари, хиёбонларида қисилиб, қўрқиб-пусиб бирга юрсак... Ҳар қадамда «Севара учраб қолмасин», «Моҳигул ёки Тоҳир ё бошқа бирови лоп этиб рўпарадан чиқмасин», дея юракни ҳовучлаб турсак... Шу ҳам ҳаётми?! Шу ҳам эр-хотинликми?!

Солиҳанинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У шоша-пиша юзларини онасининг кўкрагига босиб олди-ю, елкаларининг қалт-қалт титрашини яширишга илож тополмади. Онанинг ҳам кўнгли бузилиб кетди.

— Эҳ, болажоним, қизгинам, — унинг елкаларини силаркан деди ая. — Айб ўзингда! Неча марта айтганман бу ишингнинг оқибати қанақа бўлишини...

— Йўқ, уни севганимдан, иккинчи хотин бўлиб текканимдан афсусланмайман... Кўнглим буюрган ишни қилдим... Бахтлиман... Аммо кўнгил баъзан ҳозирги аҳволимдан норози бўлади... Унинг ҳамиша ёнимда юришини, ҳақиқий эр-хотинлардай эртанги режаларни бирга тузишни қўмсайди... Бунинг эса иложи йўқ.

*(Давоми бор)*

# Бахт нашидаси

Дохада ўтган Осиё Ўйинлари қаҳрамонларини кутиб олиш чоғи. Юнон-рум кураши бўйича 66 кг вазн тоифасида мусобақанинг кумуш медалига эришган ҳамюртимиз Равшан Рўзиқулов ҳақида устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Комил Фаткуллин шундай деганди:

— Бу галги Осиё Ўйинлари бизга ажойиб спортчини кашф этгани билан аҳамиятли бўлди. Яъни, 66 кг вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз Равшан Рўзиқулов кумуш медалга эришди. У ўз маҳоратини намойиш этиб, биз учун чин маънодаги кашфиётга айланди. Аслида ундан бундай юқори натижа кутмагандик.

***—У қайси фазилатлари билан бошқалардан ажралиб туради?***

— Биринчи навбатда, спортчи учун зарур бўладиган тартибга қатъий риоя қилади. Топшириқларимизни сўзсиз бажаради.

Равшаннинг акалари Шуҳрат ва Шавкат Рўзиқуловлар ҳам юнон-рум кураши билан шуғулланишган. Бироқ уларнинг спортдаги натижалари ўртача бўлди. Равшанда эса акаларига нисбатан иқтидор, маҳорат, яъни, туғма қобилиятни кўрдим. У ҳали кўп ишлаши керак. Бу йил 22 ёшга киради. Равшаннинг келгуси йил ўтказиладиган Пекин Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишига ишонаман. Унда 2012 йилги Олимпиадада ҳам муваффақиятли қатнашиш имконияти бор.

Бу унинг ўзидан ҳам кўп нарса талаб қилади. Буюк мақсадларга эришмоқ учун астойдил шуғулланишни ҳам билиш лозим. Бошқа нарсага чалғимасдан, фақат кураш, кураш, кураш, деб ҳаракат қилса, албатта натижага эришади.

У 2005 йилги чемпионатда Вали Жонхўрозовдан кейин иккинчи, 2006 йилда эса барча рақибларини енгиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўтган йил май ойида Алматида ўтган Осиё чемпионатида бронза медалига эришди. Кузда эса Хитойда ташкил этилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, кучлилардан тажриба ўрганди. Ноябр ойида Доҳадаги Осиё Ўйинларида финалга чиқиб, жанубий кореялик спортчига имкониятни бой берди.

Мураббийнинг юқоридаги эътирофи туфайли умидли спортчи, Ватан шаънини улуғлашга ҳаракат қилаётган Равшан Рўзиқулов билан суҳбатлашдик.

***— Осиё Ўйинларида кумуш медалга эришишингизни кутганмидингиз?***

— Рости, кутмагандим. Кучли учликка кирсам ҳам жуда яхши натижага эришдим, деб ҳисоблардим.

***— Аммо финалга чиқдингиз. Олтин медалга ҳам сазовор бўлишингиз мумкин эди...***

— Финалдаги рақибим тажрибали эди. Ундан очколар бўйича 4:3 ҳисобида олдинда ҳам эдим. Бироқ янги қоидага кўра, охирги очкони у қўлга киритгани учун ғолиблик корейс курашчисига насиб этди. Ютиб турган ҳолатда ютқаздим.

***— Ҳеч ким камчиликдан холи эмас. Ўз хато ва камчиликларингизни биласизми?***

— Яқинда Тошкентда «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» Олтин Гран-При туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Бу мусобақада бронза медалига эришдим. Финалга чиқиш учун бўлган олишувда қозоқ курашчисига ютқазиб қўйдим. Албатта, мусобақа пайтида йўл қўйган хатоларимни ўйинлар видеоёзувидан кўриб таҳлил қиламиз ва устозларим билан шу хатоларни бартараф этиш устида ишлаймиз.

***— Терма жамоада сизнинг вазнингиздаги асосий рақобатчилар, деб кимларни биласиз?***

— 66 кг вазн бўйича терма жамоанинг асосий таркибига кириш учун Зиёдулла Абдуллаев, Фирдавс Ражабов, Тўймурод Турдиевлар билан рақобатлашишимга тўғри келади.

***— Дўстларингиз-чи?***

— Биз спортчилар фақат гиламдагина рақиб ҳисобланамиз. Қолган вақтда эса терма жамоа аъзолари жуда иноқ. Бирбиримизга ҳар томонлама ёрдам берамиз, мусобақаларда қўллаб-қувватлаймиз. Чунки ёшликдан бирга ўсяпмиз. Муносабатларимиз жуда қалин.

***— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олар экансиз. Ўқиш, мусобақалар, машғулотлар... Бўш вақтингиз кам бўлса керак...***

— Ҳар куни икки маҳал машғулот. Эрталаб машғулотга бориб, икки соат шуғулланаман. Кейин ўқиш. Тушда бироз дам олиб, кечки пайт яна машғулотга бораман. Машғулотлар орасида тикланиш ҳам керак. Шунинг учун бўш вақтда дам олишга ҳаракат қиламан.

***— Ўзбекларда ёш йигирмадан ошса, уни уйлантириш ҳаракатига тушадилар.***

— Бу йил уйлаб қўймоқчи эдилар, рози бўлмадим. Бир-икки йил тегинманглар, дедим...

***— Спортчининг бахти нимада?***

— Қачонки, спортчи ўз олдига қўйган мақсадларига етса, унинг учун бахт шу бўлади. Мен ҳам Олимпиада чемпиони бўлишни мақсад қилганман. Ғалабанг шарафига Ватанинг байроғи баланд ҳилпираса, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак, спортчи учун.



***— Олдиндаги мусобақалар хусусида ҳам тўхталсангиз...***

— Июн ва август ойларида Германия ва Польшада ўтадиган нуфузли халқаро турнирларда қатнашишимиз режалаштирилган.

2007 йилдаги энг асосий мусобақамиз, бу сентябрда Бокуда ўтадиган жаҳон чемпионатидир. Ушбу мусобақада 1-8-ўринларни қўлга киритган курашчилар Пекин Олимпиадасига йўлланма оладилар. Бизнинг олдимизга қўйилган энг катта вазифа ҳам шу!

Мураббийларимиз Комил Фаткуллин ва Рустам Қудратовлар куйиб-пишиб, чин юракдан бор билимларини бизга беришади. Демак, биз ҳам яхши натижаларимиз билан уларни хурсанд қилишимиз лозим.

## Ўртоқлик учрашуви

### тайёргарлик вазифасини ўтайди

Жорий йилнинг июл ойида Рауф Инилеев раҳбарлигидаги миллий терма жамоамиз футбол бўйича Осиё чемпионатида иштирок этади. Осиё чемпионатига қадар қайси давлат футболчилари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилади, деган савол барчани қизиқтиради. Uff.uz сайтидан олинган маълумотларга қараганда, терма жамоамиз Жанубий Корея терма жамоаси билан майдонга тушишга ҳозирлик кўрмоқда. Учрашув 2 июл куни «World Cup Stadium» стадионида бўлиб ўтади.



Бу ҳақда Корея Футбол Ассоциацияси (КФА) ҳам хабар тарқатди. Унга кўра, Сеулда бўладиган мазкур ўйин иккала жамоа учун ҳам Осиё Кубоги – 2007 учун сўнгги тайёргарлик учрашуви вазифасини ўтайди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг «С» гуруҳидан жой олган бўлиб, ватандошларимизга Хитой, Эрон ва мезбонлардан бири бўлган Малайзия терма жамоалари рақиблик қиладилар. Дастлабки ўйинимиз 11 июл куни Эрон термасига қарши ўтади.

## Чемпионнинг ҳалокати

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрилик машҳур боксчи, ишқибозлар учун «Чико» номи билан танилган Диего Корралес мотоцикл бошқариб кетаётганда ҳалокатга учради ва воқеа жойида оламдан ўтди. У жаҳон бокс тарихига ўз номини зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйишга муваффақ бўлган донгдор чарм қўлқоп усталаридан эди.

Айниқса, унинг 2005 йил май ойида асосий рақиби, мексикалик Луис Кастильо устидан қозонган ғалабаси ўз гўзаллигига кўра бутун бокс тарихидаги энг жозибали жанг деб эътироф этилган. Диего Корралес Кастильо, Хоэль Касамайор, Аселино Фрейтас каби чарм қўлқоп усталарини мағлуб этиб, қатор йўналишларда чемпионлик камарини қўлга киритган, 59 кг ва 61,2 кг вазн тоифаларида тўрт карра жаҳон чемпиони бўлган спортчи эди.

# Легионерларимиз...

***Хориж майдонларида тўп сураётган футболчиларимиз қандай ҳаракат қилишяпти? Дастлаб "европалик" Азиз Ибрагимов ҳақида. Словакиянинг етакчи клубларидан бири "Слован" жамоасида тўп сураётган "Машъал"нинг собиқ аъзоси ўз ўрнига эга бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқда.***


Азиз Ибрагимов

Азиз словак жамоасига январ ойи охирида қўшилган бўлиб, ҳозирга қадар Словакия миллий чемпионати иккинчи даврасининг 9 та тури бўлиб ўтди. Шундан баъзиларида, хусусан, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси сафида Жанубий Корея олимпиячиларига қарши учрашувларда иштирок этганлиги туфайли ўйнамаган бўлса, яна бир гал кичик жароҳати туфайли таркибда майдонга туша олмаган эди.

Қолган учрашувларда эса легионеримиз «Слован» мураббийи томонидан асосан, иккинчи бўлимда заҳирадан майдонга туширилган.

Легионеримиз учун Братислава клубининг Банск Бистрица шаҳрининг «Дукла» жамоаси билан бўлган ўйин омадли кечди. Учрашувда ҳамюртимиз жамоаси таркибидаги энг фаол футболчилардан бўлди. У 33-дақиқада боши билан рақиб дарвозасини ишғол қилиб, ҳисобни очди. 58-дақиқада эса "Слован" бош мураббийи Азиз Ибрагимовни бошқа футболчига алмаштирди. Мураббий ўйиндан сўнг берган интервьюсида ушбу қарорини Азизнинг навбатдаги турда "Кошице"га қарши баҳс учун асрагани билан изоҳлади. Учрашув 2:2 ҳисоби билан якунланди.

Яна бир янгилик, Азиз Ўзбекистон олимпия терма жамоаси сафида, 16 май куни БААга қарши ўйинда майдонга туша олмайди. Клуб раҳбарияти, чемпионат якунланаётган пайтда ўзбекистонлик легионер улар учун жуда кераклигини айтишмоқда. 16 май куни "Слован" асосий рақибларидан бири «Нитра» клубига қарши ўйнайди.

Украина чемпионатининг навбатдаги турида «украиналик» футболчиларимиз майдонда бир-бирларига дуч келдилар. "Днепр" ярим ҳимоячиси Виталий Денисов ўз жамоаси таркибида учрашувнинг 75-дақиқасигача тўп сурди. «Динамо» (Киев) сафидаги Максим Шацких эса биринчи бўлимдан сўнг алмаштирилди. Ушбу баҳсда майдон эгалари — Шацких жамоадошлари ғалаба нашидасини суришди-2:0.

Янги мавсумдан Минскнинг "Дарида" клубига қўшилган Андрей Акопянц Белоруссия миллий биринчилиги учрашувларида мунтазам равишда майдонга тушмоқда. 4-турда Андрей Акопянц жамоадошлари сафарда 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Ушбу учрашувда Акопянц фаол футболчилардан бири бўлди.

Россия премьер-лигаси ва биринчи дивизионида тўп сураётган футболчиларимиздан Вадим Афонин «Рубин» клуби ўринбосарлар сафида учрашувларда тўлиқ иштирок этмоқда. Унинг жамоадоши Марат Бикмаев эса ўринбосарлар таркибида заҳирадан майдонга тушаётган бўлса, Андрей Фёдоров «Рубин» таркибида кўриниш бераётгани йўқ. Сўнгги вақтларда кетма-кет жамоасини алмаштирган Илёс Зейтуллаев «Виченца» клуби таркибида бу сафар ҳам майдонга тушмади.

Маълумки, Қозоғистон суперлигасида ҳам бир қатор легионерларимиз бор. Жумладан, Улуғбек Бақоев «Тобол», Жаъфар Ирисметов «Олма-Ота», Олег Собиров «Ордабаси», Спартак Муртазоев «Атирау», Алексей Николаев «Актобе» жамоалари шарафини ҳимоя қилишяпти. Улардан Улуғбек Бақоев ва Жаъфар Ирисметов ўз клубларининг асосий ҳужумчиси ҳисобланади.

«Олма-Ота»нинг "Тараз"га қарши сафарда ўтказган ўйинида Жаъфар "дубль" муаллифига айланди ва унинг жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади**

Хориж тажрибаси

***Германиядаги ижтимоий ҳимоя тизими қисқа давр ичида битта қонун ёки фармон чиқариш йўли билан юзага келтирилгани йўқ. Бу тизимнинг юқори даражада самарадорлиги бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам тан олинган. Ялпи ички маҳсулотда ижтимоий хизматлар улуши 1998 йилда 33,5 фоизни ташкил этган эди. Шунингдек, 1998 йилда ижтимоий хизматларнинг умумий қиймати тахминан 1272 миллиард маркани ташкил этган. Хизматларнинг тахминан учдан бир қисми пенсияга оид суғуртага тўғри келган бўлса, 20 фоиздан кўпроғи қонунда белгилаб қўйилган касаллик ҳолатларидан суғуртага тўғри келади. Ушбу хизматларни кўрсатиш билан давлат Конституцияда белгилаб қўйилган қоидани бажаради. Унинг 20-моддаси I банди бўйича Германия демократик ижтимоий давлатдир.***

# Германияда ижтимоий ҳимоя



Ижтимоий давлат асосланадиган муҳим принциплар бир томондан бирдамлик бўлса, иккинчи томондан ҳар бир фуқаронинг шахсий масъулияти, жавобгарлиги ҳисобланади. Уларни амалга ошириш учун кўплаб ижтимоий қонунлар ишлаб чиқилган. Ушбу Қонунларда ишчи касалликка чалинганда унга таъминот бериш, бахтсиз воқеа содир бўлганда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда кексалик пенсияси билан таъминлаш, ёш оилалар фарзанд кўрганда болаларига нафақа бериш, турар-жой сотиб олганларида баҳосининг маълум қисмининг давлат томонидан тўланиши, ишсиз қолганда ишсизлик нафақаси бериб турилиши ва бошқалар назарда тутилган. 1883, 1884 ва 1889 йилларда ишчилар ва хизматчиларнинг маълум қисми учун мажбурий суғуртанинг учта тури мавжуд эди. Улар ҳозирги кунда ҳам Германия учун характерлидир: касаллик суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ҳамда пенсия суғуртаси. Ўша пайтларда бу суғурта тури ногиронлик суғуртаси деб аталарди. 1911 йилда юқоридаги суғурта турлари империя суғурта қоидалари сирасига киритилган ҳамда улар қаторига боқувчисини йўқотган етим болалар ҳамда уларнинг онасига пенсия таъминоти бериш қоидаси қўшилган. Ўша йили барча хизматлар учун пенсия суғуртаси амалга киритилди. 1923 йили эса тоғ-кон ишчилари учун соҳада белгиланган муддат давомида ишлаганлик суғуртаси амалга киритилди. 1927 йилда янги бир суғурта тури — ишсиз қолганлик ҳолатлари учун суғурталаш пайдо бўлди. 1938 йилда эса қонунда назарда тутилган ижтимоий суғурта соҳасига ўзларини хусусий тартибда суғурталамаган ҳунармандлар ҳам киритилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий суғурта хизматлари доираси янада кенгайтирилди. 1957 йилда фермерлар ҳам кексалик бўйича ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. 1957 йилда пенсия таъминоти соҳаси тубдан ислоҳ қилингач, пенсиялар ёлланма ишчиларнинг умумий даромадлари ўсишига боғлиқ қилиб қўйилди. 2000 ва 2001 йилларда қабул қилинган қонунларга кўра, истисно тариқасида пулнинг қадрсизланиши суръатларига боғлиқ қилиб қўйилди. 1972 ва 1992 йилларда пенсия таъминоти тизими ислоҳ қилинган. 1990 йилдан бошлаб пенсионерлар, уруш ногиронлари, урушда ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган фуқароларнинг оилалари ёхуд собиқ ГДРда манфаатлари поймол этилган фуқаролар кенг ижтимоий таъминот хизматларидан фойдалана бошладилар. 1990 йилда валюта, иқтисодий ва ижтимоий иттифоқ ҳамда икки герман давлатининг бирлашуви тўғрисидаги шартнома ўтиш даври тугаганидан кейин Германиянинг барча аҳолиси ижтимоий ҳимоядан тенг равишда фойдаланишлари учун асос яратилди. 1995 йилда ижтимоий суғурта тизими ишчиларнинг кексалик ёшига етганликлари ёки касал бўлиб қолганлиги сабабли ишдан кетиш зарурияти туғилган ҳолларда суғурталаниш имконияти билан тўлдирилди. Унга кўра ишчиларга уйда даволанганида ҳам, касалхоналарда даволанганида ҳам хизматлар кўрсатилади. Германиянинг қарийб барча аҳолиси касаллик бўйича қонунда белгилаб қўйилганидек, мажбурий ёки ихтиёрий равишда ёхуд хусусий суғурта агентликлари ёрдамида суғурталанган. Белгилаб қўйилган миқдорда ойлик иш ҳақи оладиган ёлланма ишчиларнинг касаллик бўйича мажбурий равишда суғурталаниши қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Маълум шароитларда ихтиёрий суғурта ҳам қилиниши мумкин. Барча пенсионерлар, ишсизлар, ўқувчилар ва талабалар касалликдан суғурталанганлар, яъни касалликка чалиниб қолганларида касалхоналарда пул тўламасдан даволаниш ҳуқуқига эгадирлар. Ёлланма ишчилар эса маҳаллий, ишлаб чиқариш ёхуд цехларнинг касалликдан суғурталаш ёки эрзац-кассалар ёрдамида суғурталанадилар. Улар қайси касб бўйича ишлаётганликларидан қатъи назар касаллик кассаларини эркин танлайдилар. Бу ишлаб чиқариш ва цехларнинг касаллик кассаларига тааллуқлидир. Уларнинг уставларида четдан аъзолар олиш имконияти назарда тутилган бўлса, ушбу қоида амал қилади. Шу билан бир қаторда сув флоти ходимлари касаллик кассалари, тоғ-кон ишчилари федерал кассалари, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаллик кассалари доирасида маълум касб соҳиблари учун касаллик кассалари томонидан беморларга хизмат кўрсатишга қўйилган алоҳида суғурта шакллари мавжуд. Барча суғурталанувчилар даволовчи врачни ҳамда тиш дўхтирини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Шахсларнинг мажбурий суғурта бўйича ҳамда хизматчиларнинг ихтиёрий суғурта бўйича тўлайдиган суғурта бадалларининг тенг ярми иш берувчилар томонидан тўланади. 2000 йилда тўланадиган суғурта бадалларнинг ўртача миқдори мамлакат бўйича даромаднинг 13,6 фоизини ташкил этди. Касаллик кассалари даволовчи врачлар ҳамда тиш дўхтирлари кўрсатадиган хизмат учун қилинадиган харажатни, шу жумладан, дори-дармонлар, касалхонада даволаниш, соғликни тиклаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун қилинадиган харажатларни қоплайди. Бу кассалар сиҳатгоҳларда (санаторийларда) олинадиган зарурий даво курслари харажатларини ҳам тўлиқ ёки қисман қоплайди. Ёлланма ишчи касал бўлиб қолганида ҳам иш берувчидан 6 ҳафта давомида ойлик олиб туриш ҳуқуқига эга. Баъзи бир жамоавий шартномаларда янада кўпроқ муддат белгилаб қўйилиши мумкин. Улар бўйича касаллик кассалари 78 ҳафта давомида ишчига касаллик нафақаси тўлаб туради.

Ишчилар ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса қурбони бўлса ёки касб касалликларига чалинса қонунда белгилаб қўйилган бахтсиз ҳодисадан суғурталанганлиги уларга қўл келади. Германияда барча ёлланма ишчи ва фермерлар бахтсиз ҳодисадан суғурталанган. Шартномасиз ишлаётган ишчилар ихтиёрий суғурта шартномаларини тузиши мумкин. Талабалар, мактаб ўқувчилари ҳамда боғча болалари ҳам суғурта ҳимояси остига олинган. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталовчилар биринчи навбатда бир хил йўналишдаги барча корхоналарни қамраб олувчи профессионал бирлашмалардир. Уларнинг маблағлари фирмалар ўтказиб берадиган пуллардан иборатдир. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлиб қолган ёхуд касб касалликлари натижасида ишга яроқсиз бўлиб қолганларга суғурта шартномасида кўрсатилган тегишли хизматлар кўрсатилади ҳамда таъминот берилади. Ишга кетаётганда ёки ишдан қайтаётганда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳат олганлар ҳам шулар жумласидандир. Суғурталанган шахс бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳати олса, суғурта агентлиги даволаниш учун кетадаган барча харажатларни қоплайди. Агар у меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, агентлик унга тегишли бадал (ҳақ) тўлаб туради. Агар ишчининг ишлаш қобилияти, айтайлик камида 20 фоизга камайса ёки у олган жароҳати туфайли вафот этса, суғурталовчи унга пенсия тўлайди, дафн этиш харажатларини қоплайди ва қариндошларига пенсияни тўлаб боради. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш доирасидаги ёрдам сирасига меҳнат қобилиятини тиклаш мақсадида махсус ўқитиш ҳамда ишга жойлашишга ёрдам бериш ҳам киради.

Қонунда белгилаб қўйилган пенсия суғуртаси Германия аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг пойдеворидир. У ишчилар ўзларининг меҳнат фаолиятини тугатганларидан кейин ночор аҳволга тушиб қолмаслигини ва тегишли турмуш мезонларини таъминлайди. Қонун бўйича барча ишчилар ва хизматчилар пенсия олиш учун суғурталанишга ҳақлидирлар. Мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар ҳамда маълум касб тури билан шуғулланганликлари боис мажбурий суғуртага эга бўлмаганлар мажбурий суғурталаниш учун илтимоснома ёзишлари мумкин. Касби нуқтаи назаридан мажбурий суғурталанувчилар сирасига кирмайдиган ишчилар ихтиёрий суғурта шартномаларини тузишлари мумкин. Пенсия суғуртаси бўйича тўланадиган бадаллар ойига иш ҳақининг 20 фоизигача бўлган суммани ташкил этади. Пенсия суғуртаси маблағларидан кексалик бўйича пенсиялар ҳамда меҳнат қобилияти пасайганларга пенсиялар тўлаб борилади. Суғурта бадаллари ёлланма ишчи ва иш берувчи томонидан тенг миқдорда тўлаб борилади. Айтайлик, ёлланма ишчи кексайганда пенсия олиши учун ойига 3000 евро тўлаши лозим бўлса, шунинг ярмини ўзи тўлайди, ярмини эса иш берувчи тўлаб боради. Кексалик пенсияси қоида бўйича ишчи 65 ёшга тўлгач тўлана бошланади. Маълум шароитларда 63 ёшдан бошлаб ҳам тўланиши мумкин. Пенсия миқдори ишчининг ойлик иш ҳақи қанча бўлганлигига боғлиқдир.

Энди ишсиз қолишдан ҳимояланиш масаласига келсак, барча ёлланма ишчилар, хизматчилар, ишларни ўз уйида ўтириб бажарадиган ишчилар ҳамда маълум бир касбни эгаллаш мақсадида ўқиётганлар ишсизликдан суғурталангандирлар. Суғурта бадалларининг тенг ярмини ишчилар, қолган ярмини эса иш берувчилар тўлайди. Иш фаолиятининг сўнгги уч йилида аъзолик бадалларини камида 12 ой давомида тўлаган ишсизлар соф иш ҳақининг 60 фоизини, битта боласи борлар 67 фоизини ишсиз қолганлик нафақаси сифатида олиб туришга ҳақлидир.

Касалликка чалинганлиги ёки кексайиб қолганлиги боис ишдан кетиш зарурияти туғилганда, суғурталаниш институти Германияда 1995 йил 1 январдан амалга киритилган. Хусусий суғурта компанияларида касаллик ҳолатларидан суғурталанган ҳар бир суғурталанувчи касалликка чалинганлиги ёки кексайиб қолганлиги боис ишдан кетиши мумкинлигидан ҳам суғурталанган ҳисобланади. Суғурта бадалларини суғурталанувчи ва иш берувчи тенг миқдорда тўлаб боради. Корхоналарнинг ёлланма ишчилар учун тўлайдиган ушбу бадаллар суммасини қоплаш учун қонунда назарда тутилган байрам куни, яъни «Тавба қилиш ва ибодат қилиш куни» кўпгина федерал ўлкаларда бекор қилинди. Ёлланма ишчининг бошқа жойдан ҳеч бир даромад олмайдиган, таъминот олишга ҳуқуқли болалари ва хотини қонунда назарда тутилган касалликдан суғурта доирасида ёлланма ишчи касалликка чалинганлиги ёки кексайиб қолганлиги боис ишдан кетишга мажбур бўлганда таъминот олиш учун бепул суғурталаб қўйилади.

Ёш оилаларда фарзанд дунёга келганда ота-она ҳар бир фарзанд учун тегишли миқдорда нафақа олиб туради. 1986 йилдан бери амалда бўлиб келаётган қонунга мувофиқ ишлаб турган ота ёки онага ҳар бир фарзанд учун ойига тегишли миқдорда пул тўлаб борилади. Бунда тўланадиган нафақа миқдори олинадиган даромад миқдорига боғлиқдир. Бундан ташқари, болани ўзлари тарбия қилишга қарор қилган ота ёки она уч йил муддатга таътил олиши мумкин, бунда уларнинг иш жойлари сақлаб қолинади, яъни улар ишдан бўшатилиш хавфидан суғурталангандирлар.

Германияда камбағаллик нафақаси деган институт ҳам мавжуд. Камбағаллик нафақаси ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам олмайдиган, ўзини ўзи таъминлашга қодир бўлмаган шахсларга берилади. Камбағаллик нафақаси тўғрисидаги қонун бўйича Германияда яшовчи ҳар бир шахс уни олиши мумкин. Ушбу нафақа сирасига турмуш кечириш учун лозим бўлган маблағлар, шунингдек, турмушнинг алоҳида шароитларида, яъни ногирон бўлиб қолганда, касал бўлиб ётганда ёки кексайиб, ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қолганда бериладиган ёрдамлар киради.

**Й.ПАРДАЕВ**
**тайёрлади**

Орамиздаги одамлар

# Сеҳрли бармоқлар соҳибаси

Наргиза шамоллаб қолди. Шифокор қабулида бўлиб, зарур дори-дармонларни ёздириб олди-ю, ишидан қолмади. Оқибатда дард устунлик қилди. Бошида қаттиқ оғриқ турди. Шифокор ташхис қўйди: гайморит.

Операцияга юраги бетламади. Хулосани қўлига олиб, ўйлаб кўриш учун муҳлат сўради.

— Дардни вақтида даволаган маъқул, йўқса оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин,— огоҳлантирди шифокор.

— Эртага келаман, — Наргиза ортга қайтди. Йўл-йўлакай бозорга кирди. Расталарни оралаётиб, эълонга кўзи тушди. Унда табиб Роҳатой Саидова табиий игна ва «Осиё» дамламаси кўмагида кўплаб дардлардан фориғ қилиши ёзилганди. Касалликлар рўйхатида гайморит ҳам бор.

Наргиза табиб ҳузурига боришга аҳд қилди.

Эълонда таъкидланган табиий игна-табибнинг бармоқлари экан. Муолажа бошланди. Наргизанинг юзини ари чаққандек бўлди.

— Нима, тирноқларингиз шунча узунми? — сўради Наргиза.

— Йўқ, мен тирноғимни умуман ўстирмайман.

— Унда чимчилаб оляпсизми?

— Йўқ, шунчаки юзингизга бармоғимни теккизяпман.

— Бўлиши мумкин эмас.

— Ишонмасангиз, қўлингизга ойна бераман. Ўзингиз кузатинг.

Наргиза шундоқ қилди ҳам. Табиб бармоғини юзига шунчаки тегизар, бармоқлар эса ари мисол чақиб оларди.

— Сеҳргармисиз? — қизиқди Наргиза.

— Йўқ, табибман. Гувоҳномам ҳам, лицензиям ҳам бор. Мана кўрасиз, муолажа уч кунда самара беради.

Дарҳақиқат, муолажанинг учинчи куни Наргизанинг бурнидан лахта қон, йиринг тушди. У ўзини анча енгил ҳис қилди. Бир ҳафтадан сўнг яна шифокор қабулига борди. Рентген текширувлари унинг гайморитдан халос бўлганини тасдиқлади.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**

## Бир куни Афанди...



Афанди сартарош экан. Бир куни кал мижознинг сочини олгандан сўнг, нархини икки баробар қиммат айтибди:
Мижоз:
– Бунча қиммат?! Ахир сочим деярли тўкилиб бўлган-ку!
Афанди:
– Ўша сочни қидириб топиш машаққати-чи?

Афандидан сўрашибди:
– Қайси касал яхшироқ деб ўйлайсиз?
– Паришонхотирлик.
– Нега?
– Чунки бу касал билан хасталанган одамнинг ҳеч қаери оғримайди ва бемор учун ҳар бир кун янгилик бўлади.

Афанди скамейкада ўтириб, тўхтовсиз сўкинаётган экан. Бир милиционер унинг ёнига келиб ўтириб, аста сўрабди:
– Ҳа ака, тинчликми?
– Э, сўраманг, ука!
– Нима бўлди? Балки ёрдамим керакдир?
– Скамейка бўялган экан..

Темирчи уста шогирди Афандига:
– Ҳозир оловдан тақани оламан, бошимни қимирлатишим билан унга зарб билан урасан, тушундингми?
Афанди:
– Ҳа.
Уста тақани оловдан олди ва... Афанди уста-темирчига айланди-қолди.

## Шанба ҳикмати

*Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади.*

Sportlotto 7/35
110-тираж якуни
20 000 000 jackpot
16 35 33 17 12 6 1
7 та рақам - йўқ
6 та рақам - йўқ
5 та рақам - 18 та - 12000 сўмдан
4 та рақам - 390 та - 1200 сўмдан
3 та рақам - 2590 та - 400 сўмдан
Манзил: 100027 Тошкент ш., Узбекистон кўч., 98-а ("Пахтакор" МС).
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

## Изоҳи сиздан...



Юраверинг ортимдан,
Ҳеч қолмангиз кетимдан.
Кутиб турар катталар,
Кичикка иззатдалар.

Ўтиб олгунча йўлдан,
Пойлаб турар амаки.
Лекин ростига кўчсак,
Бу ишимиз кўп чакки.

**Нозимахон АҲМАДБЕКОВА,**
**Тошкент шаҳри**

Во ажаб, бу не ҳол, қоида бузиб
Она бошлаб борар жужуқларини.
Ўйламайди чоғи ҳайдовчиларнинг
Лабларига тошган учуқларини.

**У.ТОЛИПОВА,**
**Фарғона вилояти**

* * *

Нима бало, кўрмаганмисиз
«Кавказ асираси» фильмини?
Бунча шошмасангиз, йўл бўлсин,
Кетмоқдасиз кўргани кимни?

**З.РАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳри**

— Шошма, дўстим, қаёққа?
— Болаларимни «Зоо олимпиада»га, томошага олиб бораяпман.
— Ахир, светофор ёниб турибди-ку?
— Э, ҳеччиси йўқ, шошмасак, ўйинга кеч қоламиз, чиптага қуямиз.

**Н.НОРМУРОДОВ,**
**Китоб шаҳри**

Ҳайдовчини чўчитиб,
Жажжи карвон бўлди пайдо,
Кўча ҳаракатин ҳам,
«Қойилмақом» этар адо.

— Қоидабузар ҳайдовчилардан қўрқмайдиган йўловчиларни энди кўришим.

**У.Содиқова**



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

# Мунажжим башорати

**(14 майдан - 20 майгача)**



**ҚЎЙ.** Ҳафтанинг биринчи кунидаги фаолият билан атрофдагиларнинг эътиборини жалб қиласиз. Кутилган натижага эришишингиз мумкин. Сешанба ва чоршанба кунлари молиявий масалаларга диққатни қаратинг. Жисмоний машқлар бажариб туришни унутманг. Шанба куни қайноқ ёки ўткир жисмлардан эҳтиёт бўлинг. Жароҳат олишингиз мумкин. Шунинг учун шижоат ва асабни тўғри йўналтира билинг.



**БУЗОҚ.** Бу ҳафтада ҳаётингизда янги ишқий саргузаштлар бўлиши, ажойиб режалар туғилиши кутилмоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида бироз асабийлашасиз. Шунинг учун унча муҳим бўлмаган арзимас хабарларга аҳамият бермаслигингизни сўраймиз. Пулни бўлар-бўлмас нарсаларга сарфламанг. Тежамкор бўлинг, бу келгусидаги улкан ишларда асқотади.



**ЭГИЗАКЛАР.** Бу ҳафтада ички туйғуларга қулоқ тутинг. Пайшанба ва жума сиз учун муваффақиятли бўлади. Бемалол режадаги ишларни бажаришга киришинг. Арзимас майда-чуйдаларга ўралашиб қолманг. Беҳуда гап-сўзларга парво қилманг. Дам олиш куни ҳамкорлар билан алоқа қилиш фикр доирангизни кенгайтиришда, янги билимларга эга бўлишда ёрдам беради.



**ҚИСҚИЧБАҚА.** Сешанба куни сиз ўзлигингизга қайтишни истайсиз. Ҳуқуқий ишлардан йироқлашишни хоҳласангизда, орқага қайтманг. Янги танишлар орттирасиз. Асосий ишларга пайшанба куни киришинг. Шанба ва якшанба омадли, сермазмун бўлади. Бу кунларни яқин кишиларингиз билан бирга ўтказишингиз мумкин.



**АРСЛОН.** Орзулар доим ҳам амалга ошавермайди. Шу сабабли тушкунликка тушманг. Ўзингизни жуда уринтирманг. Янги ишни бошламаган маъқул. Яхшиси, муҳим ишларни пайшанбадан кейинга қолдиринг. Ҳаётингизда янги киши пайдо бўлиши кутилмоқда. Яқин кунларда мўлжалланаётган саёҳат билимни ошириш бобида анча самарали бўлади.



**ПАРИЗОД.** Ишга жуда кўмилиб кетасиз. Илмий фаолият билан шуғулланиш, маданий ҳаётда иштирок этиш, узоқроқ жойга саёҳат қилиш ва ҳоказо ишлар билан банд бўласиз. Бу ҳафтада сиз воқиф бўлган янгилик яқин келажак учун муҳим аҳамиятга эга. Турли касбдаги кишилар билан учрашувлар, сафарлар, қисқа суҳбатлар дам олиш кунлари ҳам давом этади. Якшанбада жаҳлга эрк берманг.



**ТАРОЗИ.** Чоршанбагача қадар барча қарзлардан халос бўлишга ҳаракат қилинг. Иложи бўлса ҳеч кимдан қарз олманг. Банкдан кредит олиш ёки бошқа банк ишларини амалга ошириш эҳтимоли бор. Ҳар иккала ҳолат ҳам бу соҳада тажриба ошишига сабаб бўлади. Сешанбадан ҳамкорларнинг фаоллиги ошади.



**ЧАЁН.** Ҳаётингизда анчадан буён кутилаётган ажойиб янгиликнинг гувоҳи бўласиз. Янги бурилиш бошланиши кутилмоқда. Йил давомида бажарилган ишларни таҳлил қилсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу асосда янги тажриба ва янада юксакликка кўтарилиш имконияти вужудга келади. Хусусан, иқтисодий жиҳатдан муваффақиятга эришасиз.



**ЎҚОТАР.** Бошқа ишга ўтишингиз, касбингизни ўзгартириш эҳтимоли бор. Душанба, шанба ва якшанба куни омадли кечади. Ҳар бир ишга ғайрат-шижоат билан киришинг, албатта, натижага эришасиз. Муомала, муносабат бобидаги эҳтиёткорлик барча ишлар рисоладагидек бўлишига олиб келади. Ўз устингизда кўпроқ ишланг, изланинг.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Муҳаббат бобида ижобий ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда. Болалар билан ишлаш юзасидан тажриба ошириш имконияти туғилади. Чоршанбада бирор масалада қаршиликлар юзага келиши мумкин. Уни ақл ва сабр билан ҳал қилинг. Пайшанба ва жума кунлари бошқарувчи сифатида ташкилотчилик қобилиятингизни намоён қилиш имконияти пайдо бўлади.



**ҚОВҒА.** Ҳафта бошланишида бир қанча янги ҳамкорлар орттиришингиз мумкин. Уларнинг ҳаётингизга кириб келиши шахсий ички дунёнгизга ҳам таъсир қилади. Ҳамкорлар билан очиқ мулоқот чоршанба ва пайшанба кунлари юз беради. Дам олиш куни эса саёҳатга чиқасиз. Бу молиявий ёки моддий масаланинг ечимини топишда кўмак беради.



**БАЛИҚ.** Бир қанча танишларнинг сизга нисбатан муносабати ўзгариши кутилмоқда. Лекин бундан асло ранжиманг. Чунки эски танишлар ўрнини янги танишлар эгаллайди. Шунингдек, кичик саёҳат ва янги мулоқотлар кутилмоқда. Бу сизнинг келгуси ҳаётингизда асқотади. Дам олиш куни эса уйингизда бирор-бир тадбир бўлиши мумкин.

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов
Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ.
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.
Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев
Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский
Буюртма Г— 414 Тиражи: 16821
Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.20
Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8